O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 26 июнь, жума № 26 (2309). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 26 июня, 2009 год, № 26 (2309). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ ҚУРОЛ-ЯРОҒ ВА ТЕХНИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ ҲАМДА ҚЎШИНЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ЖАНГОВАР ОПЕРАЦИЯЛАР ОЛИБ БОРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА СИНОВДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АМАЛДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ЕТАКЧИ ҲАРБИЙ-ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИГА АЙЛАНИШИ ДАРКОР.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Бугунги кунда мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Шу сабабли ҳам халқимиз, жамоатчилигимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар бир санасини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради.

Бу борада шаклланган ижобий анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, истиқлол йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан қўлга киритилган улкан натижаларнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини чуқур англаш, мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 30 июнига қадар **"Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг,биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир"** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш, тарихан қисқа бу даврнинг ёш давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб беришга хизмат қиладиган комплекс маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш учун кенг имконият яратиб берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига чуқур сингдириш;

мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан атрофлича ўрин олаётганини кенг тарғиб этиш;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шарт.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда.

Ҳозиргача дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончлилигини ва халқаро бозордаги рақобатбардошлилигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва замонавий халқаро андозалар ҳамда талабларни ҳисобга олган ҳолда миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2010 йил 1 январдан Ўзбекистонда эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (бундан буён биометрик паспорт деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Орзуларим осмон қадар кенг

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 июнь куни Оқсаройда Францияниинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Пьер Лелушни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Учрашувда томонлар халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини кўриб чиқди. Ислом Каримов Афғонистон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигини таъкидлади. Уруш оқибатида барбод бўлган Афғонистон иқтисодиётини, коммуникациялар ва ижтимоий инфратузилмасини тиклаш, бу жараёнга Афғонистон халқини жалб этиш, ички муросага келиш, ҳокимият вертикалини мустаҳкамлаш каби долзарб муаммоларни ҳал этмай, Афғонистондаги вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мумкин эмас.

П. Лелуш самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. У Франция Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим шериги деб ҳисоблашини ҳамда томонларни қизиқтирган барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Франция ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалалар, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



2 ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА

НИШОН АНИҚ — МЎЛЖАЛ БЕХАТО



5 ТАЪЛИМ

ОҚ ЙЎЛ, ЛЕЙТЕНАНТЛАР!



23 СПОРТ

МЕЧТЫ СБЫВАЮТСЯ



24 МАДАНИЯТ

ЮМОР, НАХОДЧИВОСТЬ, АРТИСТИЗМ

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётгани, жаҳон молиявий инқирози оқибатларига қарамай, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб қолаётганини, мамлакатимизда кабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини ҳар томонлама очиб бериш;

мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлокларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилгани ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бораётгани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн саккиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу режа ва дастурларда белгиланган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягона сан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 19 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2. Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқлансин:

биринчи босқич (2010 йил) – республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга;

иккинчи босқич (2011–2015 йиллар) – қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига.

3. Биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мазкур паспортлар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) ташкил этилсин, марказ биометрик паспортлар бланкаларини тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ДИБ) ҳудудида жойлаштирилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

паспорт олиш учун мурожаат этган шахслар бўйича белгиланган маълумотлар ва биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг хориждаги консуллик муассасаларига юкланади;

фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш пайтида паспортларда кўрсатилган биометрик параметрларга биноан шахсни идентификация қилиш Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўрнатилган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

бир ой ичида – Давлат персоналлаштириш маркази тўғрисидаги Низомни;

икки ой ичида – ушбу фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг янги таҳририни.

6. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мамлакат фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш тизими самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида ИИВ, ТИВ, МХХнинг тегишли бўлинмаларини 1 ва 2 иловаларга мувофиқ замонавий жиҳозлар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда ДПМни "Давлат белгиси" ДИБ ҳудудида жойлаштирилиши ва жиҳозланишини, ажратилган бинонинг капитал ва жорий таъмирланишини, зарур ташкилий техника, офис мебели, алоқа воситалари ва марказнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар билан таъминласин.

8. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги республиканинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

бир ой муддатда хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ва техник-иқтисодий асосларга мувофиқ ДПМнинг ишлаб чиқариш моддий-техник базасини шакллантиришга доир дастур ишлаб чиқсин ва унинг 2009-2010 йилларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни изчиллик асосида ташкил этсин.

9. Молия ва иқтисодиёт вазирликлари бир ой муддатда Ўзбекистонда биометрик паспортларни жорий этиш бўйича лойиҳани молиялаштириш масаласини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳакамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўрнатилган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ой муддатда ушбу фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифлар киритсин.

12. Ушбу фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 июнь

Дала-ўқув машғулотларида

НИШОН АНИҚ – МЎЛЖАЛ БЕХАТО

Юртбошимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, кўнглимиз фахр ва ғурур туйғуларига тўлади. Юрт ҳимоячиси деганда, аввало, кўз олдимизга ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки бир иш эмас, Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган марду майдонларимиз гавдаланади. Армиямиз жанговар кучи, қудратини, ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу – унинг сафларидаги мард ўғлонларимиздир. Замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, хавфсизлигимизни таъминлаш учун посбонларимиз юксак тайёргарликка эга бўлмоқлари лозим.



Шу боисдан ҳам ўтказилаётган дала-ўқув машғулотлари замирида шахсий таркибнинг юксак жанговар шайлиги, маҳорати ва билимини янада юксалтириш, замонавий техникаларни бошқариш ва ундан фойдаланиш бўйича тажрибаларини оширишдек мақсадлар ётибди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари шахсий таркиби билан полигонда ўтказилган отиш тайёргарлиги машғулотларида посбонларимизнинг юксак маҳорат ва тажрибага эга эканликлари яна бир бор ўз тасдиғини топди.

– Ўтказилаётган отиш машғулотидан кўзланган асосий мақсад, шахсий таркибнинг жанговар шайлигини ошириш, уларнинг ўзлаштирган билимларини синовдан ўтказишдир, – дейди машғулот раҳбари офицер Ш. Джумахунов. – Шунингдек, машғулотлар давомида посбонлар нишонни, унинг тезлиги ва йўналишини аниқлаш, кузатиш ва уриб тушириш бўйича ҳам амалий вазифаларни бажаришиб, жанговар топшириқни юксак даражада уддалашмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ҳарбий хизматчиларимиз соҳалари бўйича етарли билимга ҳамда жанговар техникаларни бошқариш ва ундан фойдаланиш кўникмаларига эга. Энг асосийси, улар қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат каби туйғуларнинг мужассамлиги ҳамиша илғорлар сафида бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биламизки, ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Бугунги дала-ўқув машғулотлари иштирокчиларини ҳам том маънода асл мардлар, соҳасининг профессионаллари десак, асло янглишмаймиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

САНА

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Матбуот ва электрон оммавий ахборот воситаларининг бошқа ходимлари сингари мамлакатимизда журналистлар ҳаёти ва фаолияти мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб республикамиз раҳбарияти ва шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Юртбошимиз ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида ўзбек журналистикаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтгани, бу машаққатли йўлда қанча-қанча синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, ўз касбига меҳри ва садоқати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган фидойи зотларнинг номлари ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиниши ҳақида гапириб, **«Оммавий ахборот воситаларимиз улар бошлаб берган ижодий анъаналарни муносиб давом эттириб, давр талабларига тобора монанд бўлиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз.**

Ҳаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида гоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда», деб таъкидлаб ўтган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари мамлакатимиз журналистлар корпусининг энг муҳим бўғинларидан бири – ҳарбий журналистларга ҳам тўла тааллуқлидир. Маълумки, замонавий ҳарбий хизматчи шахси кўплаб омиллар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари таъсири остида шаклланади ва ривожланади. Матбуот, электрон оммавий ахборот воситалари ҳарбий хизматчиларга таълим бериш ва тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, эътиқодини шакллантириш, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва маданий билим даражаларини кенгайтириш ишида муҳим роль ўйнайди. Ва бизнинг ҳарбий матбуот ва электрон оммавий ахборот воситаларимиз ҳарбий хизматнинг ўзига хос вазифаларини ҳал қила бориб, командирлар, тарбиявий ишлар органлари, барча офицер ва сержантларга жанговар ўқув, ижтимоий-сиёсий тайёргарликни такомиллаштириш, жанговар шайликни ошириш, қисм ва бўлинмаларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда ёрдам беради, аскарларда юксак маънавий, руҳий, ахлоқий-жанговар сифатлар, фаол ҳаётий позиция ва ватанпарварлик, ўз мустақил Ватанини ҳимоя қилиш масъулиятини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади.

Ҳарбий журналист фаолияти кўп қиррали. Унинг кучи ва диққат-эътиборини жалб қилувчи мавзулар кўлами Қуролли Кучлар қўшинлари турлари ва хилларининг турли-туманлиги, ҳарбий мутахассисликларнинг кўплиги билан белгиланади. Шу сабабли ҳарбий журналистнинг энг муҳим, ўзига хос хусусияти – унинг ҳарбий ва ижтимоий-сиёсий профессионаллигидир. Бу фақат билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлиш билангина эмас, балки уларнинг чуқурлиги, кенгқамровлилиги ва асосийси, мавзулар моҳияти ва аҳамиятини англай билиш билан изоҳланади. **Ҳарбий журналистнинг юксак бурчи ва унинг кудрати — дунё, давлат, жамият ва Қуролли Кучларда содир бўлаётган жараён ва муаммолар моҳиятини чуқур тушунишида, уларни енгиб ўтиш йўллари ва чораларини топиш ҳамда Қуролли Кучлар олдида турган вазифаларни сифатли ҳал қилишга кўмаклашишдаги маҳоратидадир,** деб айтсак ҳам муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаати ҳамда унинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ҳарбий журналистларнинг диққат марказида турибди. Шундай экан, Қуролли Кучларимиз фаолиятидаги муаммолар, вазифалар, масалаларга унинг таъсири остида қараш лозим.

Маълумки, мавзу танлаш, журналистнинг муайян фактга қизиқиши мавҳум бўлмайди. У доимо муаммонинг муҳимлиги ва журналист эгалланган позиция, уни қизиқтираётган масала моҳиятига бўлган муносабат, журналистнинг уни ҳал қилиш йўлини топиш имконияти билан белгиланади. Аслида журналистнинг ҳар бир мақоласи маънавий танлов ва унинг профессионаллиги билан боғлиқ.

Ҳарбий ислоҳотлар жараёнида ҳарбий журналистларимиз профессионал тайёргарлик, маҳорат бобида анча юқори даражага кўтарилдилар. Ва эндиликда, улар Қуролли Кучларнинг кундалик ҳаётий фаолиятидаги барча фактлар ва воқеаларни айнан ана шу позициядан, жамият ва давлат томонидан ҳал қилинаётган масалалар билан узвий боғлиқликда кўриб чиқишлари зарур. Шу сабабдан қандай мавзулар ва устувор масалалалар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмоқда?

Аввало, ҳар бир журналист Қуролли Кучларимиз ҳаётининг ҳозирги ўзига хослигини чуқур англаши ҳамда Юртбошимиз Мурожаатида белгилаб берилган вазифалар ва кўрсатмаларнинг сўзсиз бажарилишига у ҳам дахлдорлиги ва шахсан жавобгарлигини тўлиқ тушуниб олиши лозим. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни айниқса, жаҳон инқирози вақтида Ватан хавфсизлиги, мамлакат ва минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги масъулиятимиз шунчалик ошиб бориши зарур. Бугунги кунда биз мамлакат ва минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлашимиз, демакки, Қуролли Кучларимиз жанговар қобилияти ва жанговар шайлигини кундан-кунга ошириб боришимиз, уларнинг тезкорлиги, уюшқоқлиги, тактик билим ва маҳоратини такомиллаштириб боришимиз ҳар қачонгидан-да муҳимдир.

Шахсий таркибнинг профессионаллик даражаси, интеллектуал салоҳиятининг ошиб бориши Қуролли Кучлар жанговар шайлигини янада юқори даражага кўтаришнинг энг муҳим омилларидир. Бундай ўсиш ва юксалиш доимий изланиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва аскарий биродарлик шароитларида айниқса фаол тус олади. Ҳарбий журналист ана шуларни яхши илғай олиши ҳамда ўз мақолаларида уни акс эттириши, ҳарбий хизматчиларга жанговар шайликнинг барча асосий таркибий қисмлари мустаҳкамланган жанговар ўқув шиори асосида такомиллашиб боришларида ёрдам бериши лозим.

Иккинчидан, мамлакатимиз Президентининг Мурожаати ҳамда унинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида жаҳон ва минтақадаги дунёвий ҳамда ҳарбий-сиёсий вазиятнинг асл моҳияти тушунтириб берилган, ҳарбий санъатни, ҳарбий иш амалиётини янада ривожлантириш йўллари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий журналист эҳтимол тутилган душманнинг ўзига хослигига, инсонпарварликка зид бўлган жанговар ҳаракат усуллари – террорчилик актлари, одамларни гаровга олиш, террорчи-шаҳидлардан фойдаланишига, шунингдек, қуролли кураш манбалари, жангнинг қўққисдан бўлиши, тезкорлиги, вақт омили, душман томонидан оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш имкониятлари кабиларга кўпроқ эътибор қаратиши лозим. Бу эса бундай душманга қарши кураш услубларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга ҳарбий кадрлар, шу жумладан журналист кадрлар эътиборини кучайтиришни талаб этади. Мунтазам равишда тезлашиб бораётган замонавий жанг усул ва услублари ривожланиши жараёнининг мазмун-моҳияти шундан иборат бўлиб, ҳарбий журналист унинг ортидан улгуриб бориши зарур.

Учинчидан, ахборот хавфсизлиги масалалари ҳарбий журналист фаолиятидаги энг муҳим йўналишлардан бири бўлиши лозим. Биз доимий тарзда давом этаётган гоявий кураш дунёсида яшаяпмиз. Ахборотнинг сероблиги эса глобаллашув жараёнининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Биз ана шундай бир вазиятда мақсади халқимизнинг бирлигига путур етказиш, танлаган йўлимизнинг тўғрилигига шубҳа уйғотиш, кишиларнинг ўзимиз танлаган йўлга ишончларини сўндириш бўлган ғаразгўй кучлар томонидан фойдаланилаётган уйдирма, туҳмат, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш каби менталитетимизга ёт ахборотлар ҳам кўп эканлигини ёддан чиқармаслигимиз зарур. Бундай шароитларда ҳарбий журналист гоявий курашчи бўлмоғи, бизнинг эришган муваффақиятларимиз, ишонч билан олға интилишимиз ва Президентимиз атрофида мустаҳкам жипслашувимизни кўролмаётган, унга путур етказмоқчи бўлган ҳар қандай ғаразгўй миш-мишлар, шубҳали ахборот манбалари ва хоннона уришларга муносиб зарба бера олиши лозим.



Маълумки, ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида Ватан манфаатларига садоқатли бўлган, заминимиздаги тинч ва осойишта ҳаёт ҳимоясида ишончли турган энг сара ўғил ва қизларимиз хизмат қилишмоқда. Аммо армия ҳар доим ҳам бир хил бўлмайди. У ўзгариб туради. Ҳар йили унинг сафларига аскар, сержант ва офицерларнинг янгиянги авлодлари келиб қўшилади. Ва уларнинг барчасида миллий мустақиллигимиз ғоялари, давлатимиз раҳбарининг ишлари, мамлакатимизнинг мустақиллик йўлидаги муваффақиятларига, буюк аждодларимиз ва бой тарихимиз ҳамда маданиятимиз меросларига асосланган ғоявий матонат, қудратли маънавий таянч ишлаб чиқилмоғи керак. Бунда, шубҳасиз, ҳарбий журналист катта роль ўйнайди.

Тўртинчидан, мамлакатимиз Президенти томонидан Мурожаатда белгилаб берилган вазифаларни ҳал қилишда тўпланган илғор ва айниқса жанговар тажриба катта аҳамият касб этади. Бу ерда журналист учун улкан фаолият майдони яратилган. Унинг ишлари асосини «Қўшинлар ҳаётидан – матбуотга, матбуотдан – қўшинлар ҳаётига», деган тамойил ташкил этмоғи лозим. Агар журналистнинг бирон-бир мутахассис, илғор тажриба соҳиби билан ўтказган суҳбати қизиқарли, иш тажрибаси эътиборга лойиқ бўлса ва ўқувчилар бу мақоладан ушбу мутахассис ҳақида фойдали ахборот олган бўлсалар – бу ишнинг ярми, дегани. Агар журналист ушбу илғор тажрибанинг бошқа бўлинма ёки, янада яхшиси, бўлинмаларда ҳаётга татбиқ этилишига эришса – бу иш тўлиқ амалга оширилган бўлади.

Илғор тажриба намуналарини топиш мураккаб, аммо эътиборга лойиқ иш. Биз ўз амалий фаолиятимизда **ўтмиш тажрибаси ва ҳозирги замон воқелигини бирлаштирган ҳолда** буюк аждодларимиз тажрибасига таянамиз. Бизнинг кучимиз ҳам шунда.

Илғор тажриба намуналари асосан мусобақа жараёнида туғилади. Журналистларимиз кўп бора мусобақа масалалари, муаммоларига эътибор қаратишган, бу анъанани бугунги кунда ҳам давом эттиришмоқда. Аммо тилга олинган мавзу бўйича тайёрланадиган материалларда кўпроқ муаммо кўтарилиши, унинг чуқур таҳлили очиб берилиши ёки масаланинг аниқ қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шубҳасиз, буларнинг барчаси жанговар ўқув сифати, мусобақа самарадорлигини ошириш, мусобақанинг армия ҳаётининг барча томонларига таъсир кўрсатиш доирасини кенгайтириш муаммоларини ҳал қилишда ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бешинчидан, ҳарбий хизматчининг маънавий кучини ҳар қандай ҳарбий синовларга тайёрлашда, унда юксак ахлоқий-руҳий сифатларни, ватанпарварлик, фаол ҳаётий позиция ва Ватан тақдири учун масъуллик ҳиссини шакллантиришда ҳарбий журналистнинг роли жуда каттадир.

Ушбу кенг кўламли вазифани ҳал қилиш сиёсий тайёргарлик ва барча тарбиявий ишларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш билан биргаликда олиб борилиши лозим. Бунга бизни Президентимизнинг ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштиришдаги муҳим бир босқичга айланган Мурожаати ҳам йўллайди. Мурожаатдан кўриниб турганидек, бу босқич бизнинг олдимизга кундалик эътибор, янгилик ва мавзуларни ишлаб чиқишга ижодий ёндашув ҳамда журналистнинг ҳар бир сўз учун юксак масъулиятини талаб қилувчи кўплаб янги ва янги масалалар, муаммоларни қўймоқда.

Масъулият эса журналистнинг профессионал билимдон, ҳарбий хизматнинг ўзи ёритмоқчи бўлаётган муайян соҳаси бўйича чуқур билимларга эга бўлишини кўзда тутади. Ва бу табиий, чунки фақат чуқур билимлар асосидагина у ёки бу муаммони таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва керакли тавсиялар бериш мумкин.

«Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарафли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак профессионал маҳорат, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, халқимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бугун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш — албатта осон иш эмас. Буни барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз». Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу «осон иш эмас». Лекин, агар журналист уни эшитишларини истаса, агар у Ватан ва халқ олдидаги масъулияти қанчалар юксаклигини ва унинг бурчи олий мақсадларимизга ҳамоҳанг бўлган ҳуқуқий демократик жамият қуриш борасидаги катта ва кенг кўламли вазифаларни ҳал қилишда мустақил давлатимизнинг таянчи бўлиш эканлигини яхши тушунса, бу ишни сидқидилдан амалга оширишга астойдил интилади.

А. ХЛИЗОВ.

ТАЪЛИМ

18

ҚАЛБЛАРДА ВАТАН СУРУРИ

Олий ҳарбий билим юртлари Қуролли Кучларимиз сафларига малакали офицер кадрларни етказиб беришдек вазифани юксак даражада уддалаб келмоқда. Бундайин билим масканларида таълим-тарбия олиб, миллий армиямизда хизмат қилаётганларни тинчлик ва барқарорлигимизни асрашни касб деб билган мардлар десак, асло хато қилмаймиз.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳам бир неча йиллардан буён армиямиз сафларига ҳар томонлама етук, мард, матонатли, билимли офицерларни тайёрлаб бераётган зиё масканларидан бири ҳисобланади. Яқинда ушбу билим масканида навбатдаги битирувга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Эрта тонгданоқ билим юрти ҳудуди тантанага ташриф буюрган ота-оналар, меҳмонлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан гавжум бўлди.

Майдонда саф тортиб турган ёш офицерларга барча ҳавас билан боқмоқда. Чунки улар Ватаннинг, халқнинг ишончи, тинчлигимиз, осойишталигимиз ҳимоячилари. Эгниларига ярашиб турган ҳарбий либос уларни янада салобатли, кўркам қилиб кўрсатмоқда. Ўғлонларнинг нигоҳларидан «мен юртимга садоқат ила хизмат қиламан, шу она заминни кўз қорачиғимдек асраб-авайлайман» деган маънони уқасиз.

Тантанани кузатар эканман, ёнимда турган ота-оналарнинг ўзаро суҳбати эътиборимни тортди.

– Икки ўғлим армияда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келишди, – дейди битирувчининг онаси. – Улардаги ўзгаришларни кўриб, жуда қувонганман. Катталардек фикрлашлари, жисмонан чиниққанлари, қатъий қарор қабул қила олишларидан армия – ҳаёт мактаби эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Катта ўғлим Санжар армиядан келибоқ, олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришга тайёргарликни бошлаб юборди. Мана, ҳозир унинг битирув тантанасида иштирок этаяпман. Иккинчи ўғлим Шерали ҳам акаси изидан бориб, айни пайтда мазкур билим юртининг 2-курсида таҳсил олаяпти.

– Менинг ҳам ўғлим армияга бориб, анча ўзгариб қайтди, – дейди яна бир битирувчининг отаси. – Қувонарлиси у хизматини намунали ўтаб қайтгач, қалбида ҳарбийликка ҳавас уйғонди. Онаси билан бирга унинг бу қарорини қўллаб-қувватладик. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, эгнига курсантлик либосини кийган куни уйимизда тўй бўлди. Мана, бир зумда курсантлик даври ортда қолиб, офицерлик фаолиятини бошлаш арафасида турибди. Ишончим комилки, фарзандларимиз биз ота-оналар, халқимиз ва ҳукуматимиз билдираётган ишончни оқлашиб, Ватанимиз тинчлигига камарбаста бўладилар.

Ҳа, бу суҳбатни тинглаб, нафақат ёшларимиз, балки уларнинг ота-оналари ҳам бугун миллий армиямизга катта ишонч ва умид билан қарашаётганликларига амин бўлдим. Улар фарзандларининг ҳар томонлама камол топишида армиянинг ўрни ниҳоятда муҳим эканлигини англаб етяптилар.

Тантанали маросимга бағишланган митингни билим юрти бошлиғи подполковник Ҳамид Дадабоев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг, майдон узра давлатимиз мадҳияси янгради. Тантанада Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор А.Косьяненко иштирок этиб, битирувчиларни унутилмас айём билан қутлаб, хизматларига омадлар тилади. Митингда сўз олган масъул офицерлар, билим юрти ўқитувчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда меҳмонлар бугунги тантана сабабчилари бўлган ёш лейтенантларни шукуҳли онлари билан самимий табриклаб, мувафаққиятлар тилашди.

– Билим масканимиз замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу ерда ўғлонларимиз ҳарбий соҳа сир-асрорлари билан биргаликда бир қатор мутахассисликлар бўйича ҳам мукаммал сабоқ олишади, – дейди офицер Шуҳрат Абдуллаев. – Йилдан-йилга билим юртимиз курсанти бўлишни истаётган ёшларимиз сони кўпайиб бормоқда. Мана, бугун биз навбатдаги битирувчиларни Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга кузатаяпмиз. Ўйлайманки, келажакда улар бизнинг ва халқимизнинг ишончини албатта оқлайдилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирган ёш лейтенантларга шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, Маънавият тарғибот маркази ҳамда хотин-қизлар қўмитасининг эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлари тантанали равишда топширилди.

– Ўзимни дунёдаги энг бахтли оналардан бириман десам, хато қилмайман, – дейди Сурхондарё вилоятидан келган ёш лейтенант Рустам Кучаровнинг онаси Лидия Кучарова. – Она учун фарзандининг қувончини, камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ўғлим Рустамжон ёшлигидан ҳарбий бўламан дерди. Бора-бора бу ҳавас уни ҳарбий билим юрти томон етаклади. Билим юрти курсанти бўлганида бир қувонган бўлсам, ҳозир ўзига ярашиб турган ҳарбий либоси, кўксига босиб турган дипломига қараб минг қувондим. Ватан, халқ корига ярайдиган ўғлим борлиги – менинг бахтим.

– Неварамнинг қувончига шерик бўлиш, хурсандчилик онларида ёнида туриш учун Андижондан келдим, – дейди битирувчи Ойбек Саиджаҳоновнинг бобоси Мўминжон ота. – Ойбекдаги қатъият, матонат, кенг дунёқараш билим масканидаги таълим-тарбия меваси.

Битирувчилар номидан сўз олган лейтенант Азамат Абдусатторов сабоқ берган устозларига ўзи ва сафдошлари номидан миннатдорчилик билдириб, уларнинг ишончларини оқлаш йўлида бор билим ва имкониятларини сарфлашга ваъда берди.

– Мен жуда ҳаяжондаман, – дейди ёш лейтенант Учқун Эргашев. – Бугун болаликдаги орзуимга етдим. Мустақил Ўзбекистонимнинг офицери бўлиш мен учун шарафдир. Ишонтириб айтаманки, билим юртида устозлардан олган пухта билимларимни амалиётда янада мустаҳкамлаб, ўз вазифамни виждонан бажараман.

Тантана ниҳоясида билим юрти курсантлари томонидан тайёрланган кўргазмали чиқиш ҳамда Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонанда ва раққосаларининг байромона концерт дастурлари иштирокчиларга тақдим этилди. Шундан сўнг, ёш лейтенантлар билим юрти Хотира монументи пойига оркестр садолари остида гулчамбарлар қўйишди.

Дарҳақиқат, бугун олий ҳарбий билим юртларини битириб, миллий армиямиз сафларига қўшилган ўғлонларимизни ҳурлик, истиқлол ҳимоячилари, дея баралла айта оламиз. Ишончимиз комилки, энг улуғ, энг азиз байрамимиз мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида лейтенант унвонини олган йигитларимиз юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ёниб яшайдилар.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ТИНЧЛИККА ҚАЛҚОНМИЗ, ЮРТГА ПОСБОНМИЗ

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида битирув тантаналари бўлиб ўтди.

Битирувчи курсантлар орзиқиб кутган бу кун ҳақиқий байрамга, шодиёнага айланди, десак хато бўлмайди. "Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!" Қалблари шижоат ва она юртга муҳаббат туйғуларига лиммо-лим забардаст лейтенатлар мутахассисликлари тўғрисидаги диплом ва кўкрак нишонларини қабул қилиб олиш чоғида мардонавор янграган бу хитоб кишини ҳаяжонга солади. Миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбияланган, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, ҳарбийликни шунчаки касб эмас, юксак шон-шараф иши деб биладиган ёш офицерлардан бир гуруҳи мустақил ҳаётга йўлланма олдилар.

– Бугунги тантанали маросимдан бир олам таассурот олдим, – дейди лейтенант Аҳмед Шафеевнинг бувиси Зиёфат Ҳусаинова. – Сафларда қўр тўкиб турган марду майдонлар орасида набирамнинг ҳам борлиги кўнглимни ифтихорга тўлдирди. У билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлади. Набирамнинг баркамол, Ватаннинг асл фарзанди бўлиб етишганини кўролмаган ота-онасини эслаб куюнсам, ўзига ярашиб турган ҳарбий либоси, лейтенантлик погонини кўриб қувонаман. Тилагим, саркардаларимиз дахлсизлиги, халқимиз осойишталигини қўриқлашни зиммаларига олган ана шундай фидойи фарзандларимизни ёмон кўзлардан асрасин!

– Ўғлимнинг бахтиёр дамларига шерик бўлиш учун Фарғона вилояти Бувайда туманидан оиламиз билан келдик, – дейди лейтенант Жасурбек Йўлдошевнинг отаси Муҳаммаджон Маматқулов. – Уч ўғил, бир қизим бор. Жасурбек – каттаси. Тўнғич фарзандимнинг Ватан юкига елка тутадиган эр йигит бўлиб етишганидан, мардлар касбини танлаганидан хурсандман. Кечагина биринчи курс курсанти бўлган ўғлимнинг елкасида бугун лейтенантлик погони. Ишонаманки, укалари ҳам акасининг йўлидан бориб, шарафли касб эгаси бўладилар.

– Бугун ҳаётимдаги энг қувончли, бахтиёр кунлардан бири, десам янглишмайман, – дейди имтиёзли диплом соҳиби лейтенант Санжар Нурмуҳаммедов. – Сабаби, билим юртидаги таҳсилимизни якунлаб, офицерлик мақомига эришдик. Ҳademай офицер сифатида ўз фаолиятимизни бошлаймиз. Бунда бизга устозларимиздан ўрганган билимларимиз, орттирган кўникмаларимиз асқотади. Мен келажакда Ватанимга чин юракдан хизмат қилиш, юксак натижаларни қўлга киритиш орқали билдирилган ишончга муносиб бўлишга ва устозларим, ота-онам юзини ёруғ қилишга ҳаракат қиламан.


Мансур СОБИРҚУЛОВ.
Муаллиф суратга олган.

ТАЪЛИМ

НАДЕЖНОСТЬ И ПРЕДАННОСТЬ















До отказа заполненные гостевые трибуны, сотни друзей и родственников с огромными букетами цветов, – таким запомнится выпускникам Ташкентского ВОКУ этот день. В церемонии вручения молодым лейтенантам дипломов и знаков об окончании учебного заведения приняли участие заместитель Министра обороны – командующий войсками ЮЗОВО генерал-майор Б. Ташматов, руководящий состав министерств и ведомств Республики Узбекистан, представители государственных и общественных организаций, ветераны Вооруженных Сил, выпускники прошлых лет, преподаватели и наставники училища, родители и друзья выпускников.

Поздравляя молодых офицеров, начальник Ташкенткого ВОКУ полковник М. Байбусов отметил, что благодаря заботе Правительства Республики Узбекистан, руководства Министерства обороны в училище постоянно совершенствуется система подготовки офицерских кадров, нацеленная на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней. Обучение курсантов построено так, чтобы стимулировать их всесторонний интеллектуальный потенциал, развивать организаторские способности, умение принимать самостоятельные и верные решения при любых обстоятельствах.

По уже сложившейся традиции курсанты младших курсов продемонстрировали выпускникам и гостям свое умение владеть приемами восточных единоборств и рукопашного боя, искусством строевой подготовки и бальных танцев.

Аплодисментами были встречены красочное выступление взвода почетного караула, а затем и показательные схватки курсантов второго курса, занимающихся в секции айкидо. Курсанты третьего курса, продемонстрировали умение владеть приемами рукопашного боя, как против невооруженного, так и вооруженного противника.

Отличник учебы лейтенант Руслан Бакаев сегодня от имени всех выпускников с высокой трибуны поблагодарил командование и преподавателей училища за заботу и полученные знания, которые, как он уверен, очень пригодятся ему на новом месте службы.

Лейтенант Азиз Бердиев поступил в ТВОКУ после прохождения срочной службы. В училище он был заместителем командира группы, что дало дополнительный опыт обучения и воспитания подчиненных.

- Большое спасибо командованию училища за обучение и воспитание нашего сына Рахматуллы, - сказал фермер из Ферганской долины Рузмухаммад Исаков, приехавший на торжество со всей семьей.

Его пятый, самый младший сын - лейтенант Рахматулла Исаков, порадовал отца и мать получив диплом с отличием.

Новое поколение офицеров характеризует надежность, верность присяге, преданность народу и Президенту, высокое стремление к постоянному совершенствованию своего воинского мастерства в деле обеспечения безопасности страны и неприкосновенности ее границ.

Успеха вам, выпускники Ташкентского ВОКУ!

Владимир КАЛОШИН.

ОҚ ЙЎЛ, ЛЕЙТЕНАНТЛАР!

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳудуди ҳам шу куни эрталабдан одамлар билан гавжум бўла бошлади. Хурсандчилиги чарағон юзларида акс этиб турган оналару, гул қучоқлаган гулдек қизларнинг қўлидан тутган момолар, ҳассага таянган боболарнинг ҳай-ҳайлашига қарамай устидаги ҳарбийча кийимига ўзи мафтун бўлганча чопқиллаётган болалару, кўксини тоғдек кериб ўғли ёки жиянининг офицерлик касбини эгаллаганлик тантанасига шошилган оталар билим юрти ҳудудига байрамона руҳ бағишлади.

– Отахон, неварангизнинг хурсандчилигига шерик бўлай деб келибсиз-да, – дея ҳассага таянган отахонни суҳбатга чорладик. Отахон меҳмонлар учун ажратилган ўриндиққа бамайлихотир жойлашгач, навбатдаги саволларимизга ҳожат қолдирмай гапни ўзи олиб кетди.

– Фарғонадан келдим, Охунов Юсуфжон бўламан. Аввало ҳаммаларингни бугунги байрам билан қутлайман. Сизлар – Ватанимиз ҳимоячилари бор экан, юртимиз тинч, кўнгилларимиз хотиржам. Ҳали, неварангиз дедингиз, йўқ, кенжа ўғлим Лочин Охуновнинг битирув тантанасига келдим. Унинг офицерлар сафига қўшилаётганидан бағоят хурсандман. Яна бир ўғлим Бахтиёр Охунов – сержант. Лочиннинг офицерлик касбини танлашига шу акаси сабабчи бўлган. Ёшим етмишдан ошди. Биз нафақахўрлар уйда ётиб, нима қиламиз? Мана, кенжамнинг шодлигига шерик бўлиш, уни қўллаб-қувватлаш баҳонасида йўл-йўлакай юртимизнинг ободончилиги, экин майдонларидаги мўлкўлчиликни томоша қилиб келдик. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Айниқса, Тошканди азимни айтмайсизми, бай-бай-бай... ана сизга ўзгариш, ана юксалиш, ана тараққиёт. Илоҳим, ёмон кўзлардан асрасин. Юртда тинчлик бўлса, Ўзбекистонимиз бундан-да гуллаб-яшнайди, обод бўлади. Икки ўғлим шу азиз юртимиз ҳимоячиси бўлганлигидан фахрланаман.

– Мен эса Бухородан келдим, – дея суҳбатимизга аралашди серсавлат киши ўзини «Обид Тўраев бўламан», деб таништириш асносида. – Уч нафар ўғлнинг отасиман. Каттаси геолог, ўртанчаси геофизик, Улуғбек эса мана бугун офицерлар сафига қўшилади. Мен унинг илм соҳаси одами бўлишини истаб, чақалоқлигида Улуғбек исмини қўйган эдим. У бу исмни оқлади, олий ҳарбий билим юртини аъло баҳолар билан тугаллаянти.

Олий ҳарбий билим юртининг битирувига бағишланган тантанали маросим ҳам кўтаринки кайфият, байрамона руҳда ўтди. Мудофаа вазирлиги, Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги вакиллари ҳамда олий ҳарбий билим юрти ўқитувчилари ёш лейтенантларга дипломларни тантанавор руҳда топширишди. Митингда сўзга чиққанлар битирувчиларнинг олий ҳарбий билим юртида олган билимларини Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини ошириш, мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида самарали қўлланшларига катта ишонч билдиришди. Битирувчилар номидан лейтенант Улуғбек Тўраев билдирилаётган ишонч улар учун юксак шараф ва катта масъулият эканлигини эътироф этиб, Ватаннинг содиқ ўғлонлари, мард ва жасур офицерлар бўлиб қолишга сўз берди.

Қатор ҳарбий мутахассисликлар бўйича таҳсил олиб, офицерлик касбини эгаллаган ва Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларига йўл олаётган лейтенантларга бизнинг тилагимиз шу – ватанпарварлик уларга доим эш бўлсин.

Р. ЖУМАЕВ.

НИГОҲЛАРДА ҚАТЪИЯТ, ҒУРУР

Қуролли Кучларимизнинг замонавий билимларга, юксак командирлик салоҳиятига эга офицерлар билан бутланишида олий ҳарбий билим юртларининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Барча олий ҳарбий билим юртларида бўлгани сингари Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам битирув тантаналари бўлиб ўтди.

– Бугун ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири, десам муболага бўлмайди, – дейди имтиёзли диплом соҳиби, лейтенант Жамол Ҳайдаров. – Ниҳоят, интиқлик билан кутилган кун етиб келди – офицер бўлдик. Бизга шунча йил сабоқ берган, билимларини аямаган устозлар, ҳаётимизнинг энг жўшқин паллаларига гувоҳ бўлган билим юртимиз билан хайрлашиш оғир. Аммо олдинда бундан-да масъулиятли ҳамда шарафли вазифалар кутаётганлиги бизни руҳлантиради.

– Бугунги тантанадан олам-олам завқ олдим, – дейди Маҳмудхон бобо Сирожиддинов. – Майдонда саф тортиб турган забардаст, арслонкелбат посбонларни кўриб, кўзим қувнади, дилим ёришди. Уларнинг шахдам қадам ташлаши, гулдурос овозлари, ҳайқириқлари, нигоҳларидаги қатъият, ўзларига ишонч кўнгилларга хотиржамлик бағишлайди. Ахир мана шулар-да тинчлигимиз қўрғонлари, осойишталигимиз ҳимоячилари! Уларнинг сафида неварам лейтенант Баҳром Йўлдошевнинг борлигидан ғурур, ифтихорга тўлдим. Ўйлайманки, келгусида у Ватанимизнинг, онламизнинг ишонган тоғи, қалқони, қўриқчиси бўлади. Юрт корига елка тутадиган бундайин фарзандларимиз сафи кенгаяверсин.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

БДИТЕЛЬНОСТЬ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕРРОРИЗМ - КАК ГЛОБАЛЬНАЯ МИРОВАЯ ОПАСНОСТЬ

В октябре 1995 года, в Нью-Йорке, на торжественном заседании Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций, посвященной 50-летию ООН, Президент Узбекистана И. А. Каримов обратил внимание всего мирового сообщества на угрозу международного терроризма исходящую с территории Афганистана.

Мир сегодня тесно взаимосвязан и неделим и продолжающаяся более тридцати лет война в Афганистане – это угроза безопасности не только для государств Центрально-азиатского региона, но и странам, находящимся за многие тысячи километров от зоны конфликта.

О том, что афганская проблема отрицательным образом сказывается не только на развитии государств Центральной Азии, но и на безопасности всего мира показали последующие события в Нью-Йорке, Беслане, Лондоне и многих других местах. Только после произошедших там терактов мировые аналитики и дипломаты начали вплотную заниматься проблемой международного терроризма, признали его глобальный характер. Появились аналитические материалы, различного рода публикации, вспомнили о необходимости создания единого списка международных террористических и экстремистских организаций. Начались процессы принятия национальных законодательств направленных на борьбу с терроризмом и экстремизмом.

Борьба с этой глобальной мировой угрозой является одной из главных тем различных международных, межгосударственных и других мировых форумов. На встречах глав центрально-азиатских государств, проходивших в апреле этого года в Ташкенте и в августе этого года в Бишкеке, лидеры соседних стран решили вместе противостоять международному терроризму. Реальным же шагом в этом направлении стало подписание ряда документов, положивших начало совместной борьбе стран Центральной Азии против международного терроризма и наркобизнеса.

ряды террористов. Европейцы первыми ощутили, что доходы преступного бизнеса идут на поддержку террористов.

Проблема терроризма характерна не только для США и Европы, но и для богатых нефтедобывающих арабских стран. Значительная часть молодежи арабских стран уезжает в другие, в том числе развитые страны Запада и там попадают в разряд сначала изгоев, а затем и террористов. Создается пространство свободного действия террористов с широким выходом на международные связи. В результате, за последние 10 лет в 15 из всех 21 арабских стран были внутренние конфликты..

Хорошей питательной средой для международного терроризма стали зоны внутренних вооруженных конфликтов. В этих зонах тесно переплетаются интересы транснациональных криминальных структур и террористических группировок.

Организаторы террористических структур, как правило, опираются на различные экстремистские сепаратистские, националистические или религиозные течения. Для примера можно назвать Северную Ирландию с многовековым противостоянием протестантов и католиков, Страну Басков в Испании, или пенджабцев в Индии. В том, что исламские экстремисты сегодня наиболее известны, объясняется тем, что в большинстве развивающихся стран исповедуется именно эта религия. Но в этом нет вины ислама. Более того, такие течения ислама, как ваххабизм, хоть и представляются исламскими, но к исламу отношения не имеют, потому, что даже не опираются на Коран.

Этических и моральных границ у терроризма нет. Террористы, в интересах максимального привлечения к себе внимания, наращивают чудовищность террористических акций.

Эксперты отмечают, что современные информационные технологии дают международным террористическим организациям дополнительные широкие возможности. Становится возможным организация взаимодействия между различными группировками в реальном масштабе времени. По Интернету можно получать информацию по потенциальным объектам для ударов, с его помощью можно аккумулировать финансовые средства, и, наконец, управлять самим процессом совершения террористических акций.

В результате проблема международного терроризма приобрела и психологические аспекты. Современное единое общемировое информационное пространство дает все возможности для публичности самоубийства террориста. Экстремистские течения в исламской «обертке» используют особенности формирующейся психики молодых людей стремящихся к самоутверждению и славе любой ценой для воспитания фанатичных самоубийц. Вспомним древнегреческую историю про Герострата, сжегшего прекраснейший храм Артемиды, чтобы прославиться в веках, хотя и знал, что будет казнен. Нечто вроде самореализации, самоутверждения через публичное преступление и даже самоубийство.

Понимание причин такого явления, как международный терроризм, приводит к выводу, что борьба с ним необходима не только силами специально предназначенных для этого правоохранительных органов. Устранение причин международного терроризма – сфера как международной политики так и экономики, а не только спецслужб.

На различных форумах, обсуждениях и встречах в рамках совета безопасности ООН, ОБСЕ, ЕС, СНГ, ШОС, других саммитов политических руководств, глав правительств, спецслужб или экспертов регулярно обсуждаются вопросы устранения причин возникновения и развития международного терроризма. Чтобы добиться поставленной цели, в работе аналогичных встреч необходимо более широкое участие и политиков, и экономистов, и социологов и представителей духовенства и других специалистов. При этом они тоже должны осознать часть своей ответственности за продолжающиеся факты существования различных международных террористических организаций, искать решения по нейтрализации их воздействия на молодежь. Без этого невозможно достичь эффективности в борьбе с международным терроризмом.

Сегодня все страны подчеркивают важности использования в этом вопросе возможностей ООН, других международных и региональных организаций. Все согласны, что комплексной угрозе терроризма необходимо противопоставлять комплексный подход к противодействию. Именно в этом вопросе крайне необходимо тесное сотрудничество правоохранительных органов и спецслужб различных государств.

Однако, на сегодняшний день. на пути организации подобного сотрудничества возникает слишком много препятствий. Начиная от национальных законодательств, по разному трактующих те или иные аспекты борьбы с терроризмом и заканчивая спецификой работы спецслужб, между которыми, наверно, никогда не будет полного взаимного доверия.

Отсюда ясно, что для организации многостороннее взаимодействия необходимо прежде всего принятие политического решения на самом высоком уровне. А успешное сотрудничество возможно только при условии соблюдения в каждом конкретном случае проявления международного терроризма двухстороннего формата обмена информацией.

В целом же, нынешнюю ситуацию многие иностранные эксперты оценивают как третью мировую войну, войну без четкой линии фронта и тыла, войну без правил, жестокую и бесчеловечную, потому, что главный удар противник – международный терроризм и экстремизм может нанести прежде всего по мирному населению, женщинам и детям. Все это требует от военнослужащих Вооруженных Сил высокой бдительности и боеготовности.

Благодаря реформам, проведенным в Вооруженных Силах под руководством президента Узбекистана опыту, приобретенному в ходе отражения атак международных террористов на нашу страну, национальная армия и правоохранительные органы Узбекистана успешно противостоят угрозе мирового терроризма и наркоагрессии.

«Наша армия, - как подчеркнул в своем Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Президент Ислам Каримов, - вобравшая в себя лучший опыт мирового военного строительства и в то же время свято хранящая национальные традиции, стала надежным гарантом обеспечения безопасности Родины, мирного труда и спокойствия населения, поступательного развития страны на пути построения демократического правового государства, открытого гражданского общества».

Майор У. РУЗИМОВ.

ГЛАВНЫЙ УДАР ПРОТИВНИК – МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТЕРРОРИЗМ И ЭКСТРЕМИЗМ МОЖЕТ НАНЕСТИ ПРЕЖДЕ ВСЕГО ПО МИРНОМУ НАСЕЛЕНИЮ, ЖЕНЩИНАМ И ДЕТЯМ. ВСЕ ЭТО ТРЕБУЕТ ОТ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ ВЫСОКОЙ БДИТЕЛЬНОСТИ И БОЕГОТОВНОСТИ

В современном мире международный терроризм превратился в глобальную угрозу безопасности, борьба с ним должна вестись, отталкиваясь от международного права. По общему мнению, международный терроризм стал качественно иным явлением. Это, в значительной степени, связано, с такими, происходящими в мире процессами, как глобализация и, сопровождающими их последствиями – резкой дифференциации государств на очень бедных и богатых, потоками миграции, увеличивающимся социальным расслоением, ростом националистических настроений, приобретающим крайние формы религиозным экстремизмом.

Значительную роль играет тот факт, что большинство террористических организаций были организованы в период «холодной войны» различными спецслужбами. Они их создали, оснастили, и обучили. После окончания «холодной войны» эти организации не остались невостребованными. Став самостоятельными и независимыми от своих «отцов-основателей», им удалось наладить свои устойчивые каналы финансирования, которые длительное время оставались фактически неконтролируемыми.

Сегодня в мире миллионы людей живут в полной нищете. Города растут, а население деревень и производительность сельскохозяйственного труда падает. Отчаявшиеся люди, оказавшихся на задворках жизни в развитых странах Запада зачастую становятся на преступный путь, именно из их среды и пополняются

МАТБУОТ

ҚАЛАМКАШ ПОСБОНЛАР

Бугун қайси ҳарбий қисмга борманг, аскарларнинг ўқиши, маънан ва жисмонан тобланиши, соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишиши, юрт корига камарбаста бўла оладиган забардаст Ватан ҳимоячиси бўлиб шаклланишлари учун барча шароитлар яратилганига гувоҳ бўласиз. Қувонарлиси, посбонлар ҳам кўрсатилаётган бундайин ғамхўрлик ва эътибордан илҳомланиб, билдирилган ишончга муносиб бўлишга интилмоқдалар.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида офицер Дилмурод Исроилов хизмат қилаётган ҳарбий қисмга борганимизда, посбонларнинг ўй-фикрлари, қизиқишлари, мамлакатимиз ва дунё саҳнасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги, оммавий ахборот воситаларига муносабати билан қизиқдик. Таъкидлаш жоизки, шарафли касб эгалари кундалик ахборотлар билан мунтазам танишиб боришни, жамиятда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида маълумотга эга бўлишни одат тусига киритишган.

– Бизнинг асримизда мафкуравий ва ахборот хуружлари энг катта хавфга айланганлигини барчамиз яхши англаймиз, – дейди офицер Д. Исроилов. – Шу боис посбонларимиз онгида мафкуравий бўшлиқлар пайдо бўлмаслигининг олдини олиш, уларни баркамол Ватан ҳимоячилари қилиб тарбиялашга эътибор қаратиб келамиз. Аскарлар соҳага оид билимларни пухта ўзлаштириш, машғулотларда кўникма ҳосил қилиш, жисмоний етукликка эришиш билан бир қаторда вақтли матбуот нашрлари, телевидение ва радиода эфирга узатилаётган кўрсатув ва эшиттиришлардан доимий равишда танишиб борадилар. Бундан ташқари, қисмимизда ҳар бир бўлинма ўз деворий газетасига эга. Масалан, "Танкчи", "Алоқачи", "Муҳандис", "Зенитчи", "Таъмирловчи" каби деворий газеталар мунтазам тайёрланиб келинади. Уларда ҳарбий қисм ва аскарлар ҳаётидан лавҳалар, турли янгиликлар, посбонлар учун асқотадиган қимматли маълумотлар бериб борилади.

– Деворий газетани тайёрлашдан асосий мақсад, ҳарбий хизматчиларни руҳлантириш, жанговар, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарликларда муваффақиятларга эришган, аълочи посбон сифатида эътироф этилган сафдошларимиз мисолида улардаги соҳага қизиқиш ва интилишни кучайтириш, ўзаро якдиллик ҳамда дўстона рақобатга ундашдан иборат, – дейди "Зенитчи" деворий газетаси муҳаррири, оддий аскар Жаҳонгир Қулбулов. – Оддий аскарлар – Умиджон Ашуров, Хурсанали Абдулҳамидовлар билан биргаликда қалам тебратиб келмоқдамиз. Бизга қисм тарбиявий ишлар бўлими офицерлари, кутубхона ва клуб бошлиқлари яқиндан ёрдам бериб келишади.

– Деворий газетани ҳар ой мунтазам равишда чиқариб келамиз, – дейди оддий аскар У. Ашуров. – Байрамлар, муҳим саналар муносабати билан махсус сонлар тайёрлаймиз. "Аскарлик номига муносиб бўлмоқ", "Илғор тажриба", "Ҳарбий интизом", "Спорт янгиликлари", "Ойлик вазифалар", "Табриклаймиз, қутлаймиз", "Улардан ибрат олайлик" каби рукнлар орқали қисмимиздаги янгиликларни ёритиб боришга ҳаракат қиламиз.

Ҳа, посбонлардаги бу интилиш ва изланувчанлик ўз натижасини бермай қолмайди, албатта. Ҳозирда кичиккина ижод "қозон"ида қайнаётган бу посбонларнинг ичидан сўз масъулиятини теран ҳис қила оладиган, маҳоратли журналистлар етишиб чиқса, не ажаб?! Ватан ҳимоячиларининг маънавий юксалишлари йўлида хизмат қилиб келаётган ижодкор посбонларнинг келгуси ишларига муваффақият тилаб қоламиз.

Адҳам НИЁЗОВ.



«Ватанпарвар» газетасининг ташкил топганига 17 йил тўлди! Ўтган йиллар давомида газета саҳифалари янада ранг-баранглашди, мавзулар кўлами ҳам кенгайди. Тўғри, дастлабки қадамлар осон кечмагани аниқ. Ижодий жамоанинг газета саҳифаларида ўқувчилар кўнглига яқин мақолаларни чоп этиш илинжида тунни тонгга улаб бедор ўтказган кунлари, куч-ғайрати, матонати ўз самарасини кўрсатмоқда. Бугун ҳарбий хизматчилар орасида газетанинг обрўси ўзгача. У барчанинг севимли нашрига айланган.

Журналистларни йиллар давомида шаклланади, дейишади. Шундагина улар жамиятда бўладиган воқеликларни зумда илғаб оладиган, вазиятни олдиндан идрок этиб, тасаввурга эга бўла оладиган даражага етади. Журналистнинг вазифаси бўлаётган ана шу воқеликка холисона баҳо бериб, халқни ундан бохабар қилиш, жамоатчиликда фикр уйғотишдан иборат. Айни чоғда «Ватанпарвар» газетаси жамоаси Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар билан бир қаторда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар, фан, маданият, спорт соҳаларини ёритиш орқали ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсад ва вазифалар йўлида сермаҳсул ижод қилиб келмоқда.

ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ ҳарбий соҳада ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Изчил ислоҳотларнинг самараси ўлароқ Қуролли Кучларимиз замон талаблари асосида шаклланмоқда. Ҳарбий таълим тизими янада такомиллаштирилди, мукаммал моддий-ўқув базага эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолият кўрсатмоқда, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг яшаш даражасини янада яхшилаш юзасидан салмоқли ишлар қилинмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизими тубдан ўзгарди. Ҳарбий хизмат нуфузи сезиларли даражада ошди. Ватан ҳимоячиси бўлиш мамлакатимиз ёшлари учун орзули, обрў-эътиборли касбга айланди. Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган бундайин янгиланиш, ўзгаришлар ҳақида республикамиз оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилмоқда. Ёшларимиз қалбига энг қутлуғ туйғу – ватанпарварликни янада чуқур сингдириш, Мустақилликнинг мустаҳкам қалқони бўлган миллий армиямиз, унинг шонли тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида тайёрланаётган ёркин саҳифалар, телекўрсатув ва эшиттиришлар шулар жумласига киради. Бу борада «Спорт» телерадиоканалининг «Машъал» радиоси «Хабарлар» ахборот дастурлари муҳарририятида тайёрланадиган «Эгали юрт эркини бермас» эшиттиришининг ҳам ўз ўрни бор.

Мазкур эшиттиришнинг эфирга узатилаётганига уч йилдан ошиб қолди. Ҳар йил икки марта эфирга узатилаётган эшиттириш қисқа фурсатлар ичида ўз мухлисларини топиб улгурди. Бунда журналистларнинг маҳорати билан биргаликда мавзунинг долзарблиги муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Чунки шарафли касб эгалари ҳамиша халқимиз назарида, эътиборида. Ватан ҳимояси эса муқаддас саналиб, элнинг энг сара фарзандлари бундай улуғ ишга бел боғлайдилар.

Ўтган давр мобайнида мардлар касбини танлаган кўплаб ўғлонлар «Эгали юрт эркини бермас» меҳмони бўлишди. Юксак савияда тайёрланган эшиттиришлар юртдошларимизга миллий армиямизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб келмоқда. Ундаги «Аскар уйига қайтди» саҳифаси орқали миллий армиямиз ва унинг ёшлар ҳаётида тутган беқиёс ўрни ҳақида қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади. Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимизда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган, конституциявий бурчларини аъло даражада ўтаган, ҳарбий хизматда алоҳида ютуқларга эришган посбонларга берилган имтиёзлар, ишга жойлашишдаги имкониятлар юксак эътирофга, таҳсинга лойиқ. Бир сўз билан айтганда, миллий армиямиз сафларида хизмат ёшлар учун келажакка қўйилган мустаҳкам тамал тошидир. Кузатган бўлсангиз, ҳаёт мактабини ўтаган ёшларимизга нисбатан олий ўқув юртларида, улар фаолият юритаётган барча соҳаларда ўзгача ҳурмат, эҳтиром билан қаралади. Ўз навбатида ёшларимиз ҳам бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб беришга интилмоқдалар.

Бундан ташқари, эшиттиришда мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртлари, ўқитувчи офицерлар, аълочи курсантлар, уларга яратилаётган шароитлар, замонавий таълим воситалари ҳақида ҳикоя қилинади. Булар ҳақида «Эгали юрт эркини бермас» эшиттиришининг муаллифи журналист Бахтиёр Аҳмедов шундай дейди:

– Ҳарбий соҳа вакиллари билан суҳбатлар жуда қизиқарли кечади. Соҳанинг ўзи ҳам аслида ўта жиддий, оҳанрабоси борга ўхшайди. Бугун ҳарбийлик мамлакат ёшларининг каттагина қисмини ўзига тортаётгани ҳам эҳтимол шундандир. Ўтган давр мобайнида аскарлар ва уларнинг ота-оналари билан радиомулоқотлар уюштирилди. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони доирасида туркум радиосаҳифалар тайёрланди. Фармон мазмун-моҳиятини халқимизга янада теранроқ етказиш мақсадида соҳа мутахассислари билан тўғридан-тўғри савол-жавоблар уюштирилди. Ана шу мулоқотларда юртдошларимиз ўзларини қизиқтирган саволларга керакли жавобларни ола билдилар. Айнан ана шу қизғин мулоқотлар ҳам эшиттириш мухлисларининг кўпсонли эканлигини кўрсатиб турибди. Шу ўринда режиссёр Аҳад Қурбоновнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсам, эшиттиришимиз ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбияланшдек юксак мақсад йўлида баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

«Хабарлар» ахборот дастурлари муҳарририяти ҳарбий ватанпарварлик мавзуида ҳали яна кўпдан-кўп мавзуларда эшиттиришлар тайёрлашни режалаштирган. Ҳамкасбларимизни байрам билан чин дилдан қутлаб, уларнинг мураккаб, масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ВАЖНОЕ И НУЖНОЕ ДЕЛО

Общественно, что в организации и проведении воспитательной работы с личным составом важное место принадлежит средствам массовой информации: печати, теле- и радиовещанию и так называемой «малой» прессе. И там, где этому уделяется должное внимание, там выше результативность и действенность процесса воспитания вооруженных защитников страны.

В частях и подразделениях Караульных войск МВД повсеместно созданы необходимые условия, чтобы каждый воин имел возможность прочитать свежие газеты и журналы, посмотреть телепередачи и послушать радио. В библиотеках частей и комнатах политических информации подразделений ведутся подшивки периодических изданий, ежедневно согласно распорядка дня организуется просмотр воинами телепрограммы «Ахборот» и прослушивание по радио последних известий. Большой популярностью среди личного состава пользуются газеты «Ватанпарвар», «На посту», «Постда», журналы «Щит», «Колкон» и другие издания. В них воины находят ответы на многие интересующие их вопросы, а также материалы для своего общеполитического и интеллектуального развития, повышения профессиональных навыков, служебного и воинского мастерства, с удовольствием читают и используют в своей работы содержательные статьи из этих газет под рубриками: «Уроки просвещения», «Актуально», «Отклик», «Уроки здоровья», «В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки» и другие.

А что же такое «малая» пресса? В условиях воинской службы – это стенные, сатирическое радиогазеты, листовки-молнии и бюллетени, боевые листки, которые выпускаются в подразделениях воинами-активистами под руководством командиров и офицеров-воспитателей. Их цель: оперативное и доходчивое освещение жизни воинских коллективов, отличий и достижений передовых воинов в службе, учебе и дисциплине, товарищеская критика допущенных отдельными воинами ошибок и недостатков в личном поведении и выполнении воинского долга.

В войсковой части, где заместителем командира по воспитательной работе офицер Э. Насыров, как и в других частях, уделяют необходимое внимание «малой» прессе и работе с военкоровским активом. Ежегодно в каждом подразделении из числа военнослужащих контрактной и срочной службы, склонных к журналистскому и художественному творчеству, подбираются, а затем на общих собраниях избираются редколлегии стенных газет, а в группах назначаются редакторы боевых листков. С ними периодически проводятся инструктивные занятия. Традиционно, два-три раза в году, как правило, к Наврузу, Дню Независимости, в части проходят смотры-конкурсы на лучшую стенгазету и боевой листок и их результаты объявляются приказом по части. Так, в текущем году призовые места заняли стенгазеты подразделений офицеров Б. Халим-заде, Т. Мехмонова и З. Тайланова. Редакторы этих стенгазет сержант З. Эльчаев, младший сержант М. Султанов, рядовой по контракту А. Номазов, художники-оформители сержанты Н. Джумаев, Н. Сапарбаев и рядовой О. Кучкаров. Здесь стенгазеты выходят один-два раза в месяц, обычно и праздником и наиболее значимым моментам в жизни подразделений. Их выпуск готовится заранее, и они отмечаются красочностью оформления, содержанием и актуальностью материала.

Наиболее оперативными в отражении событий и фактов являются, конечно, боевые листки, которые еженедельно выходят в группах, а также в большинстве суточных караулов. На смотре-конкурсе лучшими в части были признаны боевые листки подразделений, где заместителями командиров по воспитательной работе майор Э. Умматов, капитаны Ш. Сапаров, О. Абдусатторов, а их редакторы рядовые Э. Сафаров, А. Сидиков и Б. Ибрагимов.

– Некоторые могут подумать, – делится своим мнением начальник клуба офицер Л. Файзуллаев, отвечающий за работу средств массовой информации в части, – что написать небольшую заметку об отличившихся воинах, выпустить боевой листок, организовать прослушивание радио или просмотр телепередачи, не такое уж большое дело. Но они глубоко ошибаются, ибо сказанные или написанные добрые слова окрыляют воинов и вдохновляют их на новые свершения.

Так что, активисты всех форм печати и средств информации, творите, дерзайте и с праздником всех вас!

Ч. НИКОЛАЕВ.

ОИЛА ГУЛШАНИ

ОРЗУЛАРИ ДОИМ МУШТАРАК

Мен кичик сержант Пердебай Қайипназаровлар оиласи билан «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг республика босқичида суҳбатлашган эдим. Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан ташриф буюрган бу иқтидорли хонадон аҳли танловда II ўринга сазовор бўлганди, ўшанда. Ҳар бир чиқишларида қорақалпоқ маданияти акс этгани ёдимда. Қорақалпоқ миллий либоси, чанқовуз садоси билан уйғунлашган мусиқа, томошабинларнинг эътиборини тортган миллий рақс, барча-барчаси ўзига хос.

Танлов шартларини бажаришда нафақат оила катталари, балки Айдана ва Икрамбеклар ҳам зукколикларини, истеъдодларини намойиш этишган эди.

Оила қасри осонликча қад ростламайди. Унга қўйилажак ҳар бир ғишт учун инсоннинг умри, сабру садоқати, меҳру муҳаббати, меҳнати сарф этилади. Ушбу хонадон ҳам худди шундай. Мана, ўн тўрт йилдирки, оиланинг эл назарида қад ростлаши, тўкин ва ободлиги, хонадонни қувончга тўлдирган уч фарзандни оқ ювиб, оқ тараш, тарбиялашга Гулсера ва Пердебайлар улкан эътибор қаратишяпти.

Тақдир тилсими синоатли. Кимдир севиб, севилиб оила қурса, кимдир умр йўлдошига кутилмаган ҳолатда рўбарў бўлади. Лавҳамиз қаҳрамонларининг учрашуви эса янада қизиқарли.

Педагогика институтини битириб, мактабда иш бошлаган сулув қиз йўл ёқалаб кетаяпти. Енгил машинани завқ ила ҳайдаб кетаётган йигитнинг унга кўзи тушди-ю, хаёл олиб қочдими ёхуд гўзал малак билан ҳазиллашгиси келдими, ҳарқалай йўлни чунонам чангитиб ўтдики, қиз уни тўхтатиб, танбеҳ берди. Йигит қизнинг гинали ҳар бир сўзини мақтовдек қабул қилди-да, у билан танишишга шошилди. Бироқ, бу осон кечмади, албатта. Бунинг учун гўзал қиз ишлаётган мактаб остонасига кўп бора «бош уришга» тўғри келди. Ва, ниҳоят, ўртада муҳаббат ришталари пайдо бўлди. Катталар розилиги ила



икки ёшнинг умр йўллари боғланди. Гулсера Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманидан Чимбойга келин бўлиб тушди. У билан суҳбат чоғида зиёли оила фарзанди эканлигидан воқиф бўлдим. Отаси филология фанлари доктори, профессор Есимурод Бердимуродов умрини етук педагогик кадрлар тайёрлашга бахш этган бўлса, онаси Ойдин Авезова ёш авлодга ўзбек тили ва адабиёт фанидан дарс берган.

Меҳнаткаш, фидойи инсонларнинг фарзандлари ҳам ўзларига муносиб бўлади. Халқ таълими аълочиси бўлган Гулсера Бердимуродова айни дамда 16-сонли умумтаълим мактабининг энг иқтидорли ўқитувчиларидан.

Нукус маданият билим юртини битирган намунали ҳарбий оила беги эса қисм ҳарбий оркестри раҳбари. Санъатга ошуфта Пердебайнинг нечоғлик иқтидорга эга эканлиги эса танлов давомида янада юзага чиқди. Энг асосийси, унинг оиласида тутган ўрни, яъни ўзидаги истеъдод қирраларини турмуш ўртоғию фарзандларига сингдирганлигидир. Йўқса, шундай катта танловда иштирок этишнинг ўзи бўладими.

– Оила – дунёқараши, феъл-атвори, касбкори ўзгача бўлган икки инсон бир ёқадан бош чиқариб, аҳил-иноқликда яшайдиган маскан, – дейди ҳарбий оила соҳибаси. – Турмуш ўртоғим жиддий, босиқ, ўз ўрнида қувноқ инсон. Унинг санъатга меҳри баландлиги менга ва фарзандларимга таъсир этмай қолмаган, албатта. Унинг саъй-ҳаракати билан танловда қорақалпоқча рақс тушишга жазм этдим. Саккиз ойлик ўғилчам Руслан-бекни ҳисобга олмаганда, беллашувда барчамиз фаол қатнашдик. Ҳарбий хизматчиларнинг оиласи атрофдагиларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши лозим, деган фикр менинг ҳаётдаги шиоримга айланган. Ҳарбий оила бекаси сифатида мақсадим ҳам айнан шу. Аввало, фарзандларимни эл назаридаги инсонлар қилиб тарбиялаш. Турмуш ўртоғим билан эса орзуларимиз доимо муштарак бўлиб келган. Бир-биримизга доимо елкадош бўлишга интиламиз.

Кексалар, эр-хотин йиллар давомида бир-бирларига ўхшаб кетади, дейишади. Дарҳақиқат, узоқ йиллар давомида аҳил-иноқликда умр кечирган эр-хотин борки, бир-бирларини сўзсиз ҳам тушунишади. Бизнинг қаҳрамонларимиз ҳам ана шу ҳаётий қоидага амал қилаётганлардан. Ушбу оила ҳақида сўз кетганда, округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Гулбаҳор Ҳабибуллаева шундайин фикрлар билдириб ўтди:

– Бундай оилаларни ҳамма вақт ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди. Оилада тинчлик ва хотиржамликнинг ўрни катта. Эр-хотин бир-бирини тўғри тушуниб, муаммоларни биргаликда ҳал қилсагина хонадонда аҳил-иноқлик, ўзаро меҳр-оқибат бўлади. Сержант Қайипназаровлар оиласи эса худди шундай. Бу икки инсоннинг хизматда, маҳалла-кўйда ҳам ўз ўрни, ҳурматли бор.

Умр – ўткинчи, дейдилар. Ҳозирда Гулсеранинг ота-онаси ва Пердабайнинг отаси Сейтназар ака бу дунёни тарк этишган. Оила каттаси Гулпаршин опа уларнинг энг яқин маслаҳатчиси, дуогўйи. Бизда кексаларни қадрлашдек улуғ фазилат мужассамки, бунинг негизида ота-онага ҳурмат, юртга садоқат илдиз отиб боради. Ушбу оиланинг эл назарига тушишида ҳам мана шундай эзгу амаллар муносиб ўрин тутган бўлса, ажабмас.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Гулистон шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, соҳа мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хусусан, она ва бола соғлиғини ҳимоялаш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар ҳам алоҳида ўрин тутади. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, болага дўстона муносабатда бўлиш, она сутининг фарзанд саломатлигидаги аҳамияти сингари йўналишлар бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётир.

Семинар-кенгашда Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов, республика бош педиатри Р.Жубанова ва бошқалар юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш, фарзандларнинг соғлом ўсишига кўмаклашувчи асосий омиллар, жойларда тиббиёт масканларининг моддий-техник даражасини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш каби бир қатор масалаларга тўхталиб ўтдилар.

Она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш вазифаси тиббиёт ходимларининг касб малакасини янада ошириш, уларни тиббиётнинг замонавий ютуқлари билан яқиндан таништириб боришни тақозо қилади. Ана шу мақсадда жойларда минтақавий ўқув марказлари ташкил қилинмоқда.

Тадбир иштирокчилари вилоят болалар шифохонасида ташкил этилган ўқув марказининг очилишида иштирок этдилар.

Бу ерда она ва боланинг соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлашга доир барча ҳужжатлар, кўргазмали воситалар мавжуд. Ўқув марказида бир вақтнинг ўзида қирққа яқин тиббиёт ходими билим ва малакасини ошириши мумкин. Худди шундай ўқув маркази вилоят перинатал марказида ҳам ташкил этилди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда мактаб ўқувчилари орзиқиб кутган ёзги таътил кунлари бошланди. Айни пайтда жойлардаги дам олиш масканлари болажонларга қучоқ очмоқда.

Андижон вилоятида ҳам «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини мароқли ўтказиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Барча оромгоҳларда мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Ҳозир ўқувчиларнинг дастлабки гуруҳи мазкур масканларга қабул қилинмоқда. Улар учун ушбу оромгоҳларда барча шарт-шароит яратилган.

– Вилоятимиздаги 19 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳда 5800 нафар ўғил-қиз дам олмоқда, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлими мудири Қодиржон Ризаев. – Оромгоҳларда болаларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтиши учун турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва бир қатор ташкилотларнинг хизмати катта бўлаётир. Шунингдек, уларнинг саломатлиги ҳам тиббиёт ходимларининг доимий эътиборида турибди.

Айниқса, Балиқчи туманидаги "Дилором", "Уч сой", Булоқбоши туманидаги "Шифокор" каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бу борадаги ишлар яхши ташкил этилган.

"Энергетик" оромгоҳи – Балиқчи туманининг энг сўлим, баҳаво ҳудудида жойлашган. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ҳар йили ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун бу ерга ошиқадилар. Айни кунларда оромгоҳ болалар билан гавжум.

Андижон электр тармоқлари акциядорлик жамияти тасарруфидаги мазкур оромгоҳда ҳам ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта тараддуд кўрилди. Масканда болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ахборот-ресурс маркази, ўнга яқин спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

ЎзА.

ИҚТИДОР ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказиб келинаётган «Мафтункор ранглар жилоси» анъанавий кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда 35 нафар иқтидор соҳиби қатнашди.

– Ҳар бир иштирокчи ўзи чизган расмлар тўпламини ҳакамлар ҳайъатига тақдим қилди, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши ходими Дилдора Жуманиёзова. – Бундан ташқари, улар белгиланган вақтда эркин мавзуда расм чизиб, билим ва маҳоратини намойиш этди.

Айниқса, Янгиариқ тумани вакили Бекзод Рўзматов, Урганч туманидан Мадиёр Солаев, Урганч шаҳридан Худойшукур Ражабовнинг турли мавзудаги ижод намуналари мухлис ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу ёш мўйқалам соҳиблари танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА мухбири.

МАСЛАҲАТ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ЭЪТИБОРДА

Ёш авлоднинг соғлиғини, бахтли келажагини таъминлаш мақсадида уларни гиёҳвандликдан муҳофазалаш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мустақил ҳаётга қадам қўйиш бўсағасида турган ёшларга тўғри йўл кўрсатиб, истиқбол сари йўлланма беришда ота-онанинг, шу жумладан, маҳалланинг ҳам ўз ўрни бор. Зеро, болаларнинг бегонаси бўлмайди. Болаларга меҳрибон ва эътиборли бўлиш, уларни ҳар хил ёмон таъсирларга берилиб қолишдан муҳофазалаш ва шу орқали келажагимиз эгаларининг бахтли-саодатли ҳаёт кечиришлари учун қайғуриш масъулиятини юклайди.

Гиёҳвандлик нафақат бизнинг, балки бутун дунёнинг муаммоси бўлиб, ушбу иллатнинг тарқалишининг олдини олиш, у билан курашнинг реал тизимини яратишда давлат томонидан юритилаётган фаол ижтимоий сиёсат муҳим ўрин тутади. Аммо ён-атрофда рўй бераётган бу каби салбий иллатларга қарши курашиш, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, умумхалқ иши эканини унутмаслигимиз ва бу саъй-ҳаракатларимиз соғлом миллатимизнинг шаклланишида, жамиятимиз фаровонлигининг асосий омили эканлигини ҳис қилишимиз лозим. Бу борада ёшлар, ҳарбий хизматчилар билан амалга ошириладиган маънавий-маърифий тадбирлар эса ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилиши билан ҳам қимматлидир.

Бундайин маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсад – ҳарбий хизматчилар қалби ва онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга "гиёҳвандлик"нинг иллат эканлиги, унга ружу қўйишнинг мудҳиш оқибатларини тушунтириш, унга қарши курашнинг профилактик ва маънавий-маърифий, ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот бериш. Энг асосийси, иштирокчилар қалби ва онгида бундай иллатларга нисбатан муросасиз бўлиш лозимлигини, лоқайд ва бепарво бўлмасликни шакллантиришдан иборат.

Маънавий-маърифий тадбирнинг сермазмун ўтиши учун, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада кучайтириш мақсадида Республика Маънавият-тарғибот марказидан, профилактик йўллари ҳақида маълумот бериш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигидан, шунингдек, ҳуқуқий асосларини тушунтириш учун ҳуқуқ-тартибот идораларидан малакали маърузачиларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Тадбирни амалга ошириш учун қуйидаги режа асосида машғулотни олиб бориш тавсия этилади:

1. Бошловчининг кириш сўзи. Гиёҳвандлик балоси глобал муаммога айланаётганлиги, шу боисдан ҳам унга қарши кураш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги хусусида алоҳида фикр юритади. Гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш орқали орттириладиган бойлик мамлакатлар хавфсизлигига, барқарорлигига катта хавф туғдираётганлиги, унинг жамият иқтисодий ва маданий негизига, маънавий юксалишига катта салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида маълумот беради. Гиёҳвандликнинг тиббий, иқтисодий, сиёсий, жисмоний ва маънавий зарари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўплаб маълумотлар берилаётганлиги, бундай тадбирларни ўтказиш бу борада қилинаётган ишлар ичида алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлаб, Ўзбекистонда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталади, сўнгра масаланинг маънавий-маърифий асослари ҳақида маълумот бериш учун, сўзни Республика Маънавият-тарғибот марказидан келган вакилга беради.

2. Нотиқ ўз маърузасида мустақиллик йилларида халқимиз ўзлигига қайтганлиги ҳамда миллий турмуш тарзимизга мос равишда ҳаёт кечира бошлаганлигини ва бунда Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати асосий омил бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. У ўз маърузасида «Соғлом ҳаёт», «Соғлом турмуш тарзи», «Соғлом авлод», «Соғлом эътиқод», «Соғлом онг», деган тушунчалар халқимиз турмуш фаолиятининг асосига айлана бошлаганлигини таъкидлаб ўтади.

Шундан сўнг бошловчи гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг профилактик асослари ҳақида маълумот бериш учун сўзни Соғлиқни сақлаш вазирлигидан келган вакилга беради:

У ўз маъруза ва тавсияларида гиёҳвандлик балоси, унинг организм учун зарарли оқибатларини тиббий томондан асослаб беради. Яъни, гиёҳвандлик моддалари организмга махсус таъсир этадиган кучли заҳар ҳисобланиши, улар оқибатида бош мия атрофида кучли оғриқлар юзага келиши, жинсий заифлик рўй бериши, нафас йўллари шиллиқ қавати ва ўпка тўқимасининг касалликларга қарши курашиш даражаси кескин пасайиб кетиши, бунда ўпканинг яллиғланиши ва саратон касаллигига учраши осон кечиши, бир шприцдан бир неча гиёҳванднинг фойдаланиши оқибатида ОИВ-ОИТС, гепатит ва қон орқали юқадиган бошқа касалликларнинг келиб чиқиши хусусида тўхталади. Шу билан бирга бу иллат домига асосан кимлар тушиб қолаётгани ҳақида гапириб, жумладан шундай дейди:

биринчидан: иродаси кучсиз, ўзини тия олмайдиган, ўткир сезгиларни ўзида синаб кўришга қизиқувчан, руҳан заиф ва ўта худбин кишилар берилувчан бўлишади;

иккинчидан: алдов ва мажбурлаш орқали ёки бўлмаса иккинчи ва учинчи шахсларнинг бевосита иштироки, таъсири билан гиёҳвандга айланиб қолиш, яъни гиёҳванд модда олди-соттиси билан шуғулланувчи (буни бизнесга айлантирган кимса)ларнинг гапларига ишониб уни қабул қилишади;

Нотиқ ўз фикр-мулоҳазаларини ҳаётий мисоллар орқали тўлдиради.

3. Бошловчи гиёҳвандликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини очиб бериш учун сўзни ҳуқуқ-тартибот идораси вакилига беради:

Нотиқ гиёҳванд моддалардан қонунга зид равишда фойдаланишнинг жиноят эканлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Жумладан: ушбу моддалардан тиббий мақсадларда фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга қатъий риоя этиш кераклиги, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунига биноан, уларни ветеринария, илмий ва ўқув, экспертлик фаолиятида жисмоний шахсларга бериш ва бошқа мақсадларда муомалада бўлиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганини айтиб ўтади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси таркибида гиёҳвандлик бўлган экинларни экиш ёки етиштириш, бошқаларни гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш ва бошқа ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Соғлом авлодга юрт келажаги дея, юксак ишонч билдирилади. Соғлом авлод деганда биз фақатгина жисмонан бақувват эмас, маънан бой, баркамол авлодни назарда тутамиз. Аслида ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Бунинг учун эса энг биринчи навбатда юқорида таъкидланганидек, инсон саломатлигининг кушандаси бўлган гиёҳвандликнинг ҳаётимизга кириб келишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Зеро, давлат сиёсати даражасига кўтарилган соғлом авлод тарбиясига жиддий эътибор бериш ҳаммамизнинг бурчимиздир.



Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими.

AHINI ВИРУСИ

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қайд этилаётган янги грипп хасталиги – AHINI вируси аломатлари дунё аҳлини жиддий ташвишга солмоқда. Гриппнинг янги тури дастлаб Мексикада, кейинчалик эса АҚШнинг жанубий штатларида мактаб ўқувчилари орасида қайд этилди. Ҳозирги кунда ушбу хасталик дунёнинг 74 давлатида тарқалиб, Осиё давлатларига ҳам кириб келди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунга қадар 29669 нафар киши AHINI туридаги гриппга чалинган ва уларнинг 145 нафари вафот этган. Ҳамма ҳолатларда ушбу вирус одамдан одамга ўтгани аниқланди ва шу сабабли жаҳон бўйича пандемия расман эълон қилинди. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ҳозирги кунда ушбу гибрид вирусга қарши одамларда ҳимоя қобилияти (иммунитет) ривожланмаган.

Юқумли касалликнинг олдини олиш учун аввало, унинг сабаблари, пайдо бўлиш хусусиятларини билиш зарур. AHINI грипп – микровируслар гуруҳига мансуб ўзгарувчанлик хусусиятига эга вируслар томонидан чақириладиган, осон юқиши ва тез тарқалиши билан ажралиб турадиган ўта хавфли ўткир юқумли касалликдир. Хасталик одамдан одамга ҳаво-томчи ва маиший алоқа йўли орқали юқади. Унинг инкубацион даври оддий гриппдан фарқ қилмайди, яъни, бир неча соатдан 2-3 кунгача давом этиши мумкин. Оддий респиратор хасталиги сингари бошланади. Унинг аломатлари ўхшаш бўлиб, тумов, бош оғриши, ангина, йўтал, тана ҳароратининг кўтарилиши, мушакларда оғриқ, баъзан эса қайд қилиш ҳолатлари кузатилади. Оддий грипп касаллигидан фарқли ўлароқ, ушбу янги инфекция асоратлари бир мунча оғир кечади. Ўз вақтида даво чоралари кўрилмаса, ўпка, мия пардаси, қулоқ ва бошқа аъзоларнинг ўткир яллиғланиши каби оғир асоратлар келиб чиқиши, ўпканинг кучли шамоллаши туфайли касаллик ўлим билан якунланиши мумкин. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган белгилар кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Республикамизда AHINI гриппи билан касалланиш ҳолатлари ҳали қайд этилмаган бўлса-да, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида турли юқумли хасталиклар, шу жумладан, кенг тарқалиши мумкин бўлган ўткир респиратор касалликлари бўйича барқарор вазият сақланмоқда. Бунда касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда, бу борада фақат шифокорлар ёрдами билан чекланиб қолмаслик, касал бўлмаслик учун ҳар бир киши санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиши, касаллик аломатлари пайдо бўлганда эса уни бошқаларга юқтирмаслик учун йўталганда ва аксирганда оғизни рўмолча ёки дока билан беркитиш зарур. Жамоат жойларида дока ниқобдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу касаллик ҳақида маълумотларга эга бўлиш, барча профилактика чораларига қатъий амал қилиш, хусусан, мазкур грипп тури бўйича эпидемик вазият ноҳуш бўлган давлатларга сафарларни чеклаш, хориждан қайтаётган барча фуқароларни, шу жумладан республикамизга кириб келаётган чет эл фуқароларини чегарани кесиб ўтиш жойлари ва халқаро аэропортлардаги санитария назорати пунктларида тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни 7 кун давомида доимий яшаш жойларида тиббий кузатувга олиш, бошланғич клиник белгилар пайдо бўлган ҳолда эса зудлик билан шифохоналарга ётқизиш лозим.

Хасталикда гумон қилинган бемор ётган хона, у фойдаланган жиҳозлар, идиш-товоқлар хлор сақловчи воситаларнинг 1%ли эритмаси ёрдамида зарарсизлантирилади. Шахсий таркиб ўртасида эса шахсий гигиена қоидаларига, овқатланиш, жисмоний тайёргарлик ва дам олиш тартибига риоя қилиш, беморларни ўз вақтида, алоҳида тартибда даволаш зарур. Касаллик барвақт аниқланиб даво чоралари кўрилса, инсон саломатлиги сақлаб қолиниши мумкин, чунки замонавий тиббиёт касалликни самарали даволаш бўйича кўплаб воситаларга эга. Бундай вазиятда инсон саломатлигини асрашнинг энг муҳим шарти – эҳтиёткорликдир. Зеро, ўз соғлиги хусусида қайғурган инсон бу борада асло бефарқ бўлмайди. Шундай экан, тозаликка, ўз соғлигимизга жиддий эътибор берайлик.

Тиббий хизмат подполковниги Бахтиёр АҲМЕДОВ,
Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бўлинмаси бошлиғи.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНИ



Тун қоронғуси. «Тез ёрдам» машинаси осудаликни бузиб, шифохона томон елдек учиб борар, машина ичида эса пичоқланган бемор ҳаёт билан олишарди. Ниҳоят, машина шифохонага етиб келди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бемор тирик қолди. Икки кундан буён жонлантириш хонасида беҳуш ётган бемор ўзига келгач, умумий палатага кўчирилди. Икки кишилик хонада етмиш ёшлар атрофидаги бир отахон бор экан, илиқ қарши олди. Афтидан ҳаммасидан хабардор шекилли, биринчи бўлиб сўз бошлади.

– Ўғлим, тузукмисиз?

– Менга нима бўлди ўзи?

–Э, асти гапирманг. Ҳамманинг ўтакасини ёриб юбордингиз-ку. Янаям иродангиз бақувват экан, дардга чидадингиз. Кўп қон йўқотган экансиз, ўзиям тўрт соат операция қилишди. Худога айтганингиз бор экан, ўғлим.

– Мен яшашни истамайман. Ахир мен ўлган одамман, аллақачон ўлиб бўлганман.

– Бу нима деганингиз, ўғлим?

– Мен Худо урган одамман, ота. Онасини норози қилган, болаларини зор йиғлатган нодонман. Мен яшашга нолойиқман, афсус ўлим ҳам мендан юз ўгирди.

– Ундай деманг, умримиз Яратган эгамнинг омонати, ўзига керак пайтида олади. Нега ҳаётдан бу қадар норозисиз. Ҳали сиз билан яхши танишмадик, ҳам. Исмингиз нима? Қаерликсиз? Кўзимга жуда иссиқ кўриняпсиз?

– Ота, яхшиси мени танимаганингиз маъқул. Агар яқиндан билсангиз, ҳафсалангиз пир бўлади.

– Йўғ-е, ўғлим, яхши одам эканлигингиз шундоқ кўзингиздан билиниб турибди-ку.

– Эҳ, ота... Бемор беихтиёр кўзларини юмди. Отахон ҳам унинг ҳолатини тушунди чоғи, саволга тутмади. Бемор узоқ хаёллар гирдобига ғарқ бўлди. Кейин ўтмиши ҳақида отахонга ҳикоя қила бошлади.

Иззат ҳамманинг ҳаваси келадиган бахтли оила бошлиғи эди. Ҳашаматли хонадон, саноғи йўқ мухлислар, дўсту ёрлар, санъат йўлидаги тиним билмай изланишлар... Унга яшаш нақадар гўзал эди. Санъаткорлар орасида «шер» лақабини олган хонанда, ширали овоз соҳиби эди. Ўз йўналиши, услуби бор эди. У жуда машҳур бўлди, лекин машҳурликнинг қадрига етмади. Лаҳзалик ҳузур-ҳаловат бутун ҳаётини остин-устин қилиб ташлашини жуда кеч англаб етди. Унинг ишонувчанлигидан фойдаланиб ўз дўстлари оёғидан чалди. Иззат катта-катта байрам тадбирлари-ю, концертлар ва тўйларнинг энг олди ҳофизи эди. Одамнинг душмани одам бўларкан.

Бир куни гуруҳдаги йигитлардан бири «Иззат ака, сизни бир нозик акахонимиз меҳмонга таклиф қиляптилар. Машҳур бўлиб, биздай қадрдонларини унутиб юборди. Бир меҳмон қилиб муваффақиятлари билан табриклаб қўяйлик, биздек мухлислари ҳам борлигини билсин», деяптилар. – деб қолди.

– Ким экан у мухлис? – сўради Иззат ҳайрон бўлиб.

– Сиз жудаям яхши танийсиз, у инсонни. Исми Саид Азлархон...

– Нималар деяпсан, кимни гапираётганингни биласанми ўзи? Наркобарон Азлархонми? У одамдан эҳтиёт бўлиш керак. Нима сен у билан танишмисан. Азлархон хавфли одам. Сени ҳам шу «қора» ишинг борми, бир куни ҳолинг вой бўлади. Йиғиштир у билан олди-сотдингни. Яна ҳаммамизни оёғимиздан тортиб кетмагин...

–Йўғ-е, яхшиликдан гапиринг. Ўзимиз тортмасак, одам ўлдирмасак, бузғунчилик қилмасак, қолаверса, мижозларнинг ҳожатини чиқариб савоб қиляпмиз ,ахир.

Даврадаги йигитлар гапга аралашдилар.

– Қанча йигитлар жувонмарг бўляпти, сенлар туфайли.

– Оилалар барбод бўлаётгани-чи?

– Бўлди қилсаларинг-чи? – йигитнинг жаҳли чиқди.

– Обид ҳаммани ўзингга ўхшатаверма, қозонга яқин юрсанг... – деган гаплар бор.

– Мана, кўрдингми, йигитларга ёқмади. Демак, ўша акахонларингга кўпам ишонаверма. Лекин майли, бир борсак борибмиз-да. Чиндан ҳам бир пайтлар мендан ҳам ёрдамини аямаган, қўли очиқ одам эди у...

Одатдаги кунларнинг бирида Иззат билан Обид айтилган манзилга бордилар. Шаҳардан четда, катта сой бўйида жуда баҳаво, хушманзара, сўлим жой экан. Катта сўрида тўрт-беш чоғли одам суҳбатлашиб ўтиришибди. Иззат ҳаммалари билан саломлашди. Тўрда савлат тўкиб ўтирган Азлархон уни алоҳида мулозамат билан қарши олди. Бироздан сўнг киноялиоҳангда гап бошлади.

– Бу дейман ҳофиз, машҳурлик сизни бироз элитиб қўйибди шекилли-а, бундоқ қадрдонларни йўқлаб турай демайсиз. Кўриб турибмиз, саҳнадан тушмай қолдингиз. Қачон радионинг қулоғини бурамай сиз, қаерга бормайлик, сизнинг қўшиқларингизни эшитамиз. Бу яхши. Ахир, давринг келса, давронингни сур, дея бежиз айтишмаган.

– Ундай деманг, кимлардан олдин, кимлардан кейин юрибмиз. Санъат деганлари қаттиқ меҳнатни талаб қилади. Юзага чиқиш учун тинмай изланиш, янги-янги қўшиқлар яратиш, уни халққа етказиш керак. Ундан ташқари тирикчилик, рўзғор деган юк ҳам бор. Қолаверса, бугун санъаткорман дегувчилар талайгина, уларнинг орасида нон топиб ейишни ўзи бўладими?

– Ҳа, энди «мундоқ хизматлар бор», десангиз биз ҳам қараб турмаймиз, ҳофиз. Ёдингиздан чиқиб қолдими, нозик-нозик акахонларимизнинг базми жамшидларига айнан сизни етаклаб борганимиз.

– Йўқ, у ёрдамларингизни унутиб бўладими, айтдим-ку, фақат кейинги пайтларда кўп ишлаяпмиз.

– Кўп ишламанг, ҳофиз. Мана, биз турибмиз. Дам олишни, яшашни, ҳаётдан лаззат олишни ҳам билинг-да.

Шунда даврадаги суҳбатга қулоқ тутиб турганлардан бири: «Ҳофиз, Навоийдан бир эшитайлик», деб қолди. Азлархон ҳам унинг гапини маъқуллаб, «Ҳофиз, қани бўлмаса бир куйланг-чи», – деди қатъий оҳангда. Улар истаганидек қўшиқ янгради. Қўшиқ якунида қарсаклар, олқишлар бўлди. Шу пайт Азлархон «Ҳофиз ўзимизникидан бор, бир тортиб кўрмайсизми? Ўзиям мазза қиласиз-да», деб қолди.

– Йўғ-е, ака бизга тўғри келмайди, – Иззат базўр гапира олди.

– Нега тўғри келмас экан, биламан, сигарета чекмайсиз овозга, ўпкага таъсири бор деб, ароқ ичмайсиз, жигарга таъсири бор деб. Бу эса роҳатижон, таъсири йўқ, фақат кайф қиласиз. Биласиз-ку, ҳозир кўп ҳофизлар шунақасига ўтиб кетган. Сизга унча-мунчасидан бермаймиз, ўзимизникидан берамиз, ахир. Ука, дунёдан роҳат олиб яшашни ҳам билингда, қолаверса, бизлар сиздай ҳофизга суянч бўлолмасак нима қилиб юрибмиз ўзи, тўғрими?

Бошқалар ҳам Азлархоннинг фикрини тасдиқлашди. Иззат ноилож қолди. Шу куни у биринчи марта қора ажални татиб кўрди. Маишат узоқ давом этди...

Эртаси куни Азлархон Обид билан телефон орқали суҳбатлашаркан «Ишни қойиллатиб бажардинг. Яна бир мижоз пайдо бўлди. Энди тўйларда оз-оз бериб тур. Яхшилаб ўргатиб ол, кейин ўзи орқамиздан итдек югуради», – деди.

– Хўп бўлади, хўжайин, айтганингиз бўлади. Ўтган гал катта бизнесменнинг ўғлини «игна»га ўтирадиган қилиб қўйган эдим, анави масковчи Содиқбойнинг ўғлиям яхшигина мижоз. Ҳофиз ҳам ўзи кейинги пайтда жуда қурумсоқ бўлиб кетувди-да.

– Кўпам лақма бўлма, ишни давом эттир, кўп гап эшакка юк, дейдилар, ўргатиб олгунча кўзқулоқ бўлиб тур.

– Тушундим хўжайин, тушундим...

Шундай қилиб, Иззат ўзи сезмаган ҳолда гиёҳвандга айланиб қолди. Аввалига, кайф учун оз-оздан тортди, кейин тортмаса туролмайдиган бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида уйда бошини чангаллаб ётган Иззат ёнига хотини Малика кириб келганини ҳам сезмади. Малика эрининг ичига ботган кўзларига термулиб юраги ачишди.

– Сизга нима бўляпти ўзи, Иззат ака? Нега ўзгариб қолдингиз, айтсангиз-чи, ахир?

– Бор чиқиб кет, – Иззат жаҳл билан хотинига ўшқирди.

– Мен, чарчаб кетдим, на юриш-туришингизда, на ейиш-ичишингизда ҳаловат бор. Сизни тушунолмай қолдим. Нима бало, одам ўлдириб қўйдингизми ёки бўлмаса бошқа бирор жиноят қилиб яшириниб юрибсизми?

– Тинч қўй мени...

Эшик қўнғироғи чалинди. Гуруҳдаги Олимжон ва Илҳомжонлар кириб келишди, табиийки уларнинг ташрифи Иззатга ёқмади. Шунинг учун ҳам хушламай қарши олди.

– Нега келдиларинг, тергов қилганими? Агар насиҳатга келган бўлсанглар овора бўлманглар.

– Иззат ака, нега бу қадар лоқайд бўлиб қолдингиз. Сизга ҳамма нарса барибир, нега шундай? Сизни танимай қоляпмиз.

– ...

– Кўзингизни очинг, эл таниган ҳофизсиз, бугун ўзингизни йўлга солмасангиз эртага кеч бўлади.

– Ёш бола эмасман. Олимлигингни уйингга бориб укаларингга қил, насиҳатингга зор эмасман.

– Тўғри, ёш бола эмассиз, лекин сиз кетаётган йўлнинг охири жарлик эканлигини биласизми?

– Етар, бас, ўз ҳаётим учун ўзим қайғураман...

– Йўқ, бу ерда фақат ўзингизнинг ҳаётингиз эмас, кекса онангиз, гулдай аёлингиз, икки нафар болангиз бор, ахир. Шуларни ўйласангиз бўлмайдими?

– Иззат ака, ваъда бериб қўйган яхшигина тўйларимиз бор эди. Баъзиларидан пул ҳам олиб қўйгандик.

Бир қанча вақтдан кейин тормозланиш ва орбитага ўтиш муносабати билан ўчириб қўйилган барча илмий ускуналар ишга туширилади. Дастлабки босқичда уларнинг иш қобилияти яна бир бор текшириб кўрилади. Асбоблар орасида Россияда яратилган ЛЕНД русумли нейтронлар детектори ҳам бор. Унинг асосий вазифаси – Ойда музлаган сувни топишга ҳаракат қилиш.

«НАФАҚАХЎРЛАР ҚИШЛОҒИ»



Янги Зеландиянинг энг йирик мегаполисида маҳаллий қариялар учун турар жой мажмуаси очилмоқда. Лойиҳа маҳаллий ҳокимлик учун 92 миллион долларга тушди.

Ноёб мажмуа Окленд шаҳрининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, 4,3 гектар майдонни эгаллайди. Унинг таркибига 95 та хонадан иборат кўп квартирали бино ҳамда 72 та алоҳида коттеж, шунингдек, 52 ўринга мўлжалланган госпиталь киради. Маҳаллий Summerset компанияси томонидан қурилган мазкур мажмуада 300 нафардан ортиқ киши яшаши мумкин.

Ҳашаматли хоналар нархи 250 дан 310 мингтача Янги Зеландия доллари (160-200 минг АҚШ доллари) ни, виллалар эса – 405-515 минг Янги Зеландия доллари (260-330 минг АҚШ доллари)ни ташкил этади. Ҳозирда Янги Зеландия аҳолисининг 12 фоизи 65 ёшдан ошган.

ЧЕКУВЧИЛАР «ТАЪҚИБ ОСТИДА»



Гонконгнинг барча ҳудуди бўйлаб чекишга тақиқ эълон қилинди.

Қонун жорий йилнинг 1 июлидан кучга киради ва янги қоидаларга биноан, Гонконгда барча жамоатчилик жойлари, барлар ва жамоатчилик ҳожатхоналарида чекиш тақиқланади, деб хабар беради «РосбизнесКонсалтинг» Sina агентлиги маълумотларига таянган ҳолда.

Кўчаларда чекувчилар устидан назорат кучайтирилади. Баъзи кўчаларда аллақачон махсус «тамакисиз ҳудуд»лар ташкил этилган.

Хитойда ҳам чекишга қарши кураш давом этмоқда. Бу ерда ҳомиладор аёллар яқинида чекиш тақиқланган, Гуанчжоу шаҳрида эса болалар боғчалари, кинотеатрлар ва ҳукумат муассасаларида чекишни тақиқлаш кўзда тутилмоқда.

Қонун бузувчилар аввал огоҳлантирилади, бу ҳолат қайтарилса – 22 доллар миқдорида жаримага тортилади. Сигареталар савдоси билан шуғулланувчиларга янада қийинроқ бўлади – кимки Халқаро тамакисиз кунда савдо билан шуғулланса, 450 долларга «оказолаш»лари мумкин.

ПАСПОРТДА СУРАТ ЎРНИГА ЭКРАН



Samsung компанияси 2 дюймли эгилувчан AMOLED-дисплейли, паспорт соҳиби сурати ўрнига QVGA-ечимли энг янги электрон паспорт прототипи (нусхаси)ни намойиш этди. Mobile Device.ru хабар қилишича, бундай паспорт нафақат оддий ёки яқинда пайдо бўлган биометрик ҳужжатлар билан таққослаганда янада кўпроқ маълумотларга эга, балки уни қалбакилаштириш ҳам жуда мураккаб. Тўғри, ҳозирча бундай ҳужжатлар қачон ишлаб чиқаришга киритилиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Дисплейда паспорт соҳибини 360 даражали ракурслардан исталганида кўриш мумкин, унинг энг асосий афзаллиги эса алоҳида тўйиниш манбаига зарурат йўқлигидадир. Паспорт қувватни тўғридан-тўғри унинг соҳибини идентификациялашга жавоб берувчи RFID-модул-микросхемадан олади.

Бунда оддий режимда, яъни RFID-ридер сигнали йўқлигида, паспортдаги дисплей ҳеч нарсани кўрсатмай, бўш экран оқ рангда бўлади. Бироқ, сканерга яқинлашгандан сўнг, эгилувчан AMOLED-дисплей 10000:1 контраст нисбат билан 260 минг рангдан фойдаланган ҳолда тасвирни намойиш этади.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



«Черные ящики» А-330 подают сигнал

Французские корабли зафиксировали слабые сигналы «черных ящиков» аэробуса А-330, потерпевшего 1 июня крушение над Атлантическим океаном, в результате которого погибли 228 человек, пишет французская газета Le Monde.

К месту предполагаемого нахождения бортовых самописцев была направлена французская мини-субмарина Nautile («Наутилус»). Поиски «черных ящиков» затруднены из-за неровностей подводного рельефа.



В Италии в районе Аквилы вновь произошло сильное землетрясение

В понедельник поздно вечером в итальянской области Абруццо произошло землетрясение магнитудой 4,5 с эпицентром в районе города Аквилы, сообщает РИА «Новости» со ссылкой на Национальный институт геофизики и вулканологии Италии. Служба гражданской обороны Италии сообщила, что в настоящее время не располагает данными о жертвах и разрушениях.



Захвачена яхта с пятью тоннами гашиша

Военно-морские силы Португалии захватили яхту с пятью тоннами гашиша. Как сообщил представитель вооруженных сил, инцидент произошел у побережья южной туристической провинции Алгарве, близ населенного пункта Армасау-де-Пера.

Согласно предварительным данным, яхта зарегистрирована в Германии. Оба находившихся на борту члена ее экипажа арестованы.

Португалия превратилась в крупный перевалочный пункт на пути наркотиков из Латинской Америки и Африки в Европу.

В прошлом году правоохранительные органы конфисковали свыше 50 тонн гашиша, что стало своеобразным рекордом.



Датчане платят налогов больше всех в мире

Налогоплательщики Дании отдают государственной казне больше денег, чем граждане любой другой страны мира. В 2007 году датчане возвратили в бюджет в среднем 48,7% своих доходов, оттеснив на второе место Швецию с показателем 48,3%. Поскольку известно, что страны Евросоюза платят больше налогов, чем в любом другом регионе, то Дания может по праву считаться неофициальным чемпионом мира.



Экспорт швейцарских часов рухнул на треть

Швейцария почти на треть снизила экспорт своих часов. По данным Швейцарской федерации часовой индустрии, которые приводит портал BFM.ru, объем экспорта сократился в мае 2009 года на 27,6% по сравнению с аналогичным периодом прошлого года - до 1,1 млрд франков (730 млн евро).

Основной причиной снижения объема экспорта своей продукции швейцарские часовщики называют мировой финансовый кризис.



Британские эксперты назвали лучшие аэропорты мира

Международный аэропорт в Инчхоне (Сеул, Южная Корея) стал лучшим в мире, завоевав первое место в рейтинге компании «Skytrax», проводившей соответствующий конкурс.

В ежегодном исследовании приняли участие более 8,6 миллиона человек, а в рейтинг вошли свыше 190 аэропортов мира.

Наибольшее количество мест в десятке лидеров заняли азиатские аэропорты.

(www.NEWSru.com)

ИҚТИСОДИЁТ

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан бири – бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига Ўзбекистон Президентининг йўллаган табригида шундай сатрлар мавжуд: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўплаб қийинчиликларни бошидан кечираётган мамлакатлар бугун шуни тан олмоқдаки, ушбу жараёнда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак муваффақиятларга эришади».

Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, биргина 2006 йилда ташкил этилган «Микрокредитбанк»нинг 2007-2008 йиллар фаолияти давомида активлар миқдори 3,5 баробарга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошганлиги ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида олиб борилган изчил ва кенг кўламли тадбирлар натижасида бир томондан, банкларнинг кредит ресурслари миқдори ошган бўлса, иккинчи томондан, хўжалик субъектларига бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари пасайди. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган кредит ошиб, ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли ўсишига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредит қўйилмалари асосан устувор лойиҳаларни молиялаштиришга ҳамда бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Республикада фаолият кўрсатаётган ҳар бир тижорат банкида олинган фойда ҳисобидан махсус имтиёзли кредитлаш жамғармалари ташкил этилиб, кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратилиши йўлга қўйилган. Банкларда кичик бизнес корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорликни кредитлашнинг янгича ахборот технологиялари асосида соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ, банклар кредит олувчидан минимал миқдордаги ҳужжатларни талаб этиши аҳамиятга моликдир. Ҳукуматимиз томонидан айнан тижорат банклари учун мана шу каби қулайликларнинг яратилиши хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирда тадбиркорларга яратилаётган қатор енгилликлар баробарида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга кредитлар тақдим қилиш асослари бўйича айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, тижорат банклари хусусий тадбиркорларга кредитларни тақдим қилишда уларнинг кредитга лаёқатлилигини ўрнатилган тартибда баҳолаш амалиётини бажарадилар. Мазкур жараён тижорат банкининг фаолияти учун муҳим ҳисобланиб, кредитлаш амалиётининг ҳолатини ва сифатини белгилаб беради. Бу ўринда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш қарз олувчининг мухторийлик, кўчувчанлик, хусусий капиталнинг умумий қарздорликка нисбати, хусусий маблағлар билан таъминланганлик, реализациядан тушган тушумнинг ноликвид маблағларга нисбати, фаолиятнинг фаоллиги, тушум рентабеллиги, активларнинг рентабеллиги, хусусий капиталнинг рентабеллиги, қарзни қоплаш, умумий ликвидлик, жорий ликвидлик, дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларига нисбати, банкдан олинган қарзни қоплаш каби коэффициентларини аниқлаш имконини бериб, кредитлаш жараёни самарадорлигини оширишда катта ёрдам беради.

Жаҳонгир ОРОМОВ,
Тошкент Молия институти магистранти.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида тадбиркорликни, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Айни вақтда фаолият юритаётган 100 мингдан зиёд фермер хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маълум қилишларича, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида деҳқон ва фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлар кўламини янада кенгайтириш, уларга хизмат кўрсатувчи агротехника, транспорт ва зооветеринария шохобчалари, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш корхоналарини қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадлар учун қарийб уч миллиард сўм ажратиш режалаштирилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида тегишли банклар орқали ушбу маблағнинг 519,8 миллион сўми ўзлаштирилди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагидан фойдаланиб, ўз ишини йўлга қўяётган мулк соҳиблари кўпаймоқда. Ҳозир тўрт юздан зиёд деҳқон ва фермер хўжалиги жамғарманинг имтиёзли кредит линияси ҳисобидан ажратилган маблағдан фойдаланмоқда. Мазкур хўжаликлар олинган кредитлардан оқилона фойдаланиб, 2008 йилнинг охири ва жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, қарийб 800 янги иш ўрни яратилди.

Берилаётган кредитлар ихчам, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни барпо этиш, ернинг унумдорлиги, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги рентабеллиги ва самарадорлигини янада ошириш, парандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш, саноат корхоналари қуриш, хизмат ва сервис шохобчаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Жамғарма мутахассислари ва банклар вакиллари иштирокида ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан 62 деҳқон ва фермер хўжалигида мониторинг ўтказди. Аксарият хўжаликларда маблағ мақсадли ишлатилгани боис юқори даромад олинаётгани кузатилди. Жумладан, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги «Ўзбалиқтаъминот» фермер хўжалиги жамғармадан олган кредити ҳисобидан балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 20 ҳавзани ўзлаштириб, балиқ кўпайтиришни йўлга қўйди. Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидаги «Кўклам ниҳол шодаси» фермер хўжалиги 28 миллион сўмлик кредит эвазига четдан қорамол олиб келиб, сут ва гўшт маҳсулотларини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшаётир.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиёти, жумладан, аграр тармоқда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

«Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга», дейди Президентимиз.

Бу фикрнинг замирида қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш масаласига мамлакатимизда улкан эътибор қаратилаётгани ётибди.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида йилнинг ортда қолган биринчи чорагида фермер хўжаликларини янада шакллантириш ҳисобига халқимиз фаровонлигини таъминлашга қай даражада эришилаётганини кўрсатади. Келинг, маълумот ва рақамларга кўз ташлайлик.

Янги қишлоқ хўжалик йили бошида фермер хўжаликларини йириклаштириш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун шароит яратиш бўйича ишлар тўлиқ якунланди. Аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида пахта экиладиган ерларни 75,8 минг гектарга қисқартириш ҳисобидан бошоқли экинлар етиштириладиган экин майдонлари 48,8 минг, сабзавот ва картошка экиладиган майдонлар 14,6 минг, ноанъанавий мойли экинлар майдони 12,4 минг гектарга кенгайтирилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи сотиш бўйича «Мевасабзаватгатайёрловсавдо» ихтисослашган ҳудудий компанияларини ташкил этишга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. 1285 та қайта ишлаш корхонаси, агрофирма, фермер хўжалиги, озиқ-овқат (деҳқон) бозори, тижорат банки, транспорт ва бозор инфратузилмасининг бошқа корхоналари ушбу компаниялар таъсисчилари бўлди.

2010-2011 йиллар давомида минитехнологиялар билан жиҳозланган 963 та қайта ишлаш корхонаси, жумладан, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 177, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 209, сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 224 ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 353 та корхона ташкил этишни кўзда тутувчи ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди.

Ҳудудларда ташкил этилаётган қайта ишлаш корхоналарини зарур хомашё (мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) билан таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга мувофиқ жорий йилда 5510 минг тонна сабзавот, 1477 минг тонна мева, 899,4 минг тонна узум, 1365 минг тонна гўшт (тирик вазнда) ва 5778 минг тонна сут ишлаб чиқариш кўзда тутилган.


2009 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар ва ихчам ускуналардан фойдаланадиган 27 та янги корхона ташкил этилди.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этиш ва чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачиликни ривожлантиришда ижобий силжишлар қайд этилди. Чорвачилик дастури доирасида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали 6146 бош зотдор мол сотилди, хориждан 1237 бош зотдор мол келтирилди, 4992 бош сигир кам таъминланган оилаларга бепул берилди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8,4 миллиард сўм ажратилди. Корхоналар 170,6 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарди.

Кўрилган чоралар натижасида қорамоллар сони 8008,3 минг бошга етди ёки 2008 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,2 фоизни ташкил этди, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 фоиз ошди. Ўтган йилнинг биринчи чорагига қараганда сабзавот (115,5 фоиз), гўшт (106,7 фоиз), сут (106,8 фоиз) ва тухум (112,6 фоиз) кўп ишлаб чиқарилди.

Буларни бари эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттираётганимизни кўрсатади.

И. ҚУРБОНОВ.



АБИТУРИЕНТ—2009

ОРЗУЛАРИМ – ҚАНОТИМ МЕНИНГ

«Мен офицер бўламан!» Бугун ушбу сўзлар қалбида ватанпарварлик туйғулари, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси жўшиб турган ҳар бир ёш йигитнинг дилида жаранглamoқда. Йилдан-йилга ҳарбийликдек шарафли касбнинг эгаси бўлишга интилаётган ўғлонларимиз сони кўпайиб бормоқда.

Маълумки, ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли миллий армиямиз нуфузи ошди. Миллий армия сафларида хизмат қилиш юртимиз ёшлари учун том маънода шон-шараф ишига айланди. Ҳаёт мактаби ёшлар учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда, келажаклари учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бугун миллий армиямиз сафларига танловлар билан ёшларнинг қабул қилиниши ҳам унинг сифат жиҳатидан янада юксалишини таъминламоқда.

Айни кунларда юртимиздаги барча олий ҳарбий билим юртларида абитуриентлар саралаш босқичларидан ўтиб, тест синовларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, республикамиздаги нуфузли ҳарбий билим юртларидан бири ҳисобланмиш Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсанти бўлиш ниятида ҳужжат топширган ёшларимиз тиббий кўрик, касбий ва руҳий тайёргарлик, жисмоний ва саводхонлик даражасини текшириш босқичларидан ўтишмоқда.

Жисмоний тайёргарликдан муваффақиятли ўтган йигитлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шу мақсадда тиббий комиссия таркибига малакали, етук мутахассис шифокорлар жалб қилинган.

– Тиббий кўрикни сифатли ва самарали ўтказиш учун барча шароитлар яратилган, – дейди марказий ҳарбий тиббий комиссия бошлиғи, тиббий хизмат майори Фаёзбек Ашуров. – Фақатгина айрим лаборатория ишлари госпиталда аниқланмоқда. Қолган барча хасталиклар шу ернинг ўзида аниқланиб, ташхис қўйилмоқда. Айрим касалликлар аниқланганда, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарида норозилик пайдо бўлмаслиги учун, тиббий текширув ишларини чуқур ўтказилган таҳлиллар билан амалга ошираяпмиз. Бунда, бизгача жойларда ўтказилган тиббий текширувлар катта ёрдам бермоқда.

Тиббий ва жисмоний тайёргарликдан ўтган номзодларнинг саводхонлиги кейинги босқичда аниқланади. Унда улар диктант ёзишиб, математикадан ёзма иш бажаришади.

– Диктант ёзишдан олдин, абитуриентларга қабул комиссияси томонидан тасдиқланган мавзу уч марта ўқиб эшиттирилади, – дейди офицер Аъзам Исмоилов. – Натижаларга эътибор берсак, йигитларнинг тайёргарлиги анча юқори эканлиги кўриниб турибди. Ҳар бир гуруҳга алоҳида мавзуларда диктант ёздирилади. Шу орқали уларнинг ҳуснихати, эшитиш ва эслаб қолиш қобилияти, услубий ва имловий хатолари аниқланади ҳамда белгиланган тартиб асосида баҳоланади.

Касбий-руҳий танлов ҳам саралашнинг энг муҳим шартларидандир. Бу ҳақда офицер Адҳам Атажонов шундай дейди:

– Ушбу танлов икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда абитуриентнинг интеллектуал даражаси, иккинчи босқичда руҳий барқарорлик ҳолати аниқланади. Бир неча йиллик кузатишларим асосида шуни ишонч билан айта оламанки, йилдан-йилга абитуриентлар сони ҳам, савияси ва сифати ҳам ошиб бормоқда. Улар орасида тасодифан офицерлик касбини эгаллашга аҳд қилган ёшларни деярли учратмайсиз. Бу ҳозирги абитуриентлар орасида танлов шартларининг муваффақиятли бажарилишида яққол кўриниб турибди.

Бу босқичлардан яхши натижалар билан ўтган абитуриентлар давлат тест синовларига қизғин тайёргарлик кўришни бошлаб юборишган.

– Абитуриентлар учун ташкил этилган лагерда уларнинг ўқиб-ўрганишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган, – дейди йиғин бошлиғи офицер Зафар Ҳайдаров. – Уларни гуруҳларга ажратиб, муддатли ҳарбий хизматчилардан гуруҳ сардорлари тайинланган. Бу бўлажак офицерларга илк кўникмаларни беришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Йигитлар билан суҳбатлашар эканмиз, бир ҳақиқатни дилдан ҳис қилдик. Яъни барчасининг мақсади битта – албатта билим юртига ўқишга кириш ва шарафли касб эгаси бўлишдир.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бобур АБДУСАЛОМОВ: – Менда ҳарбийликка бўлган қизиқиш ёшлигимдан пайдо бўлган. Акам сержант Воҳид Абдусаломовга ҳавас қилиб, шундай қарорга келган эдим. Шу боисдан муддатли ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида хизматимни давом эттириб, ҳарбий ҳаётга анча ўргандим. Мақсадим – офицер сифатида юртим ва халқим фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилишдир.


Оддий аскар Комил ОЧИЛОВ: – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганимга 5 ой бўлди. Шу давр ичида муайян ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлдим. Ушбу касбга ҳавас қўйишимда бизга ҳарб илмини ўргатаётган фидойи офицерларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди. Улар сингари мард ва жасур, фидойи ва билимли офицер бўлишга ҳаракат қиламан.

Саидғани АГЗАМОВ: – Ёшликдаги қизиқишим мени илк бор мактабни битирган йилим ҳарбий билим юрти томон етаклади. Аммо тайёргарлигим етарли бўлмаганлиги боис, курсантлик либосини кийиш насиб этмади. Шундан сўнг, муддатли ҳарбий хизматга жўнадим ва хизматимни намунали ўтаб, тавсиянома билан уйга қайтдим. Орзуимга эришиш мақсадида яна ўқишга ҳужжат топширдим. Ҳозирда тест синовларига жиддий тайёргарлик кўраяпман.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Саидғани намунали хизмати ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларидаги фаоллиги туфайли «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишони билан ҳам тақдирланган.

Ҳа, уларнинг кўнглида олам-олам орзулар бисёр. Ишончимиз комилки, қалбида ҳарбий бўлишга иштиёқи баланд ўғлонларимиз ўз орзуларига эришиб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлишади.

Фирдавс АҲРОР.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ЯНГИ ДОВОНЛАР САРИ

Бугунги ёшларнинг ўз орзу-умидларига эришишларида, ҳар жиҳатдан униб ўсишларида хукуматимиз томонидан яратиб берилган қулай шарт-шароитларнинг аҳамияти беқиёс. Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик ёшларимизга кўплаб имкониятлар эшигини очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейилади: «Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда».

Дарҳақиқат, бугун ҳаёт мактаби деб аталмиш армия ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этмоқда. Она юрт, халқ ишончини оқлаган йигитларни иш билан таъминлаш, мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув даргоҳларига имтиёзли шартлар асосида ўқишга қабул қилинишидек кенг имкониятлар мавжуд. Ўз навбатида мамлакатимиз эртаси бўлган ёшлар ҳам бундай ғамхўрликни қадрлаб, юрт келажаги, тараққиёти учун астойдил хизмат қилишмоқда. Мақоламиз қаҳрамони Исмоил Турсунов ана шундай ёшлардан. Исмоил ҳам барча тенгдош дўстлари қатори 2008 йилнинг баҳорида муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. Маълумки, Қуролли Кучларнинг қудрати нафақат замонавий жанговар техникалар билан балки, посбонларнинг зукколиги, бақувватлиги ва эпчиллигига ҳам боғлиқ. Чунки миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонлар қанчалик чиниққан, соғлом, тетик ва дунёқараши кенг бўлса, юртимиз сарҳадлари дахлсизлиги шу даражада ишончли бўлади. Зеро, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз олдидаги устувор масалалардан бири ҳам шудир. Шу боисдан ҳам бугун ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилишлари учун қатор талабларга жавоб беришлари лозим бўлади. Исмоил Турсунов мана шундай машаққатли танлов мезонларининг барча шартларини муваффақиятли бажариб, ҳарбий хизматга лойиқ топилди. Ҳарбий қисмда у механик-ҳайдовчи вазифасида хизмат қилди. Одатда мақсад сари интилган инсон ҳар қандай қийинчиликни осон енгиб ўтади. Мақоламиз қаҳрамони ҳам хизмат синовларидан муносиб даражада ўтиб, интизомли ва аълочи аскарлар сафидан жой эгаллади. Шу боисдан у хизматни тугатиш арафасида қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномани қўлга киритди.

Тавсияномага эга бўлиш – Исмоилнинг ҳаётида улкан ўзгаришлар, орзу-мақсадлар сари олға ташланган муҳим қадам бўлди.

Хизматдан ёруғ юз билан қайтган ўғлон Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳузурида ташкил этилган бепул тайёрлов курсда билимларини мустаҳкамлашга киришди. Айни пайтда у мазкур курсда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўрмоқда. Орзуси – Тошкент давлат молия институти талабаси бўлиш.

– Ҳарбий хизмат йигит кишининг ҳаётида катта аҳамият касб этади, – дейди биз билан суҳбатда Исмоил Турсунов. – Чунки армия йигит кишини чиниқтиради, тоблайди. Мен ҳам шижоат, фидойилик, ўзимга бўлган ишонч туйғуларини ҳарбий хизмат мобайнида кашф этдим. Жисмонан янада чиниқдим, маънан юксалдим. Ҳаётга бошқача назар ташлашни ўргандим, ҳаёт фалсафасини тушундим. Ватанга меҳр, унинг ҳар қарич ерини муқаддас деб билиш, эъзозлаш ҳар бир юрт фарзандининг бурчи эканлигини англадим. Мана, аста-секин ҳаётда ўз ўрнимни топаяпман. Бунда ҳарбий хизмат давомида орттирган ҳаётий тажрибаларим катта ёрдам бермоқда. Мен бундан жуда мамнунман. Биласизми, ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган орзу-ниятлари бўлади. Агар инсон астойдил ҳаракат қилса, унга етиши, шубҳасиз. Мен мана шу ақидага амал қилган ҳолда талаба бўлишдек мақсад йўлида ўқиб-ўрганишга интилаяпман. Ҳозирда мазкур тайёрлов курсида аниқ фанлар бўйича чуқур билим олишга ҳаракат қилаяпман.

Биз Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиб, юзи ёруғ бўлган ва ўз келажагини яратиш йўлида янги довонларни забт этишга интилаётган ўғлоннинг самимий сўзларини тинглар эканмиз, унга бу йўлда улкан муваффақият ва омад ёр бўлишини тилаб қолдик.

Гулнора МУРОДОВА.

ЁШЛАР

ИЛМНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛЛАРИДА

Ҳар бир ота-она фарзандини вояга етказаркан, дилбандининг келажаги ёруғ, эгаллаган соҳасининг моҳир устаси бўлишини истайди. Шундай ниятлар билан қиз ўстирган Санобар опанинг ҳам дилига туйган орзулари ушалди. Қизи Дилноза Элмуротова илмнинг машаққатли йўлларини босиб ўтиб, «олима» деган шарафли номга эга бўлди.



Унинг биринчи илмий иши физика йўналишидаги лицей ўқувчилари учун Термодинамика қонунларининг осон усулда қўлланишини татбиқ этиш билан боғлиқ. Ҳозирда у Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзосига айланди. Айни кунда у Ядро физикаси институтининг ёш ва истиқболли тадқиқотчиларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий университети аспирантурасида бошлаган илмий тадқиқот ишини давом эттириш яқин келажакда ўз самарасини беради.

Изланишлар жараёнида олинган натижа тадқиқотчи учун кичик бир кашфиёт билан баробар. Бу кишида қизиқиш уйғотиши табиий.

– Электр энергияси ресурсларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этаётганлиги сир эмас, – дейди тақдиқотчи. – Аксарият мамлакатларда масалага таниқли олимлар жалб этилиб, жиддий илмий изланишлар олиб борилаётгани ҳам маълум. Тадқиқот учун танланган кенг зонали ярим ўтказгичлар ниҳоятда кам энергия сарфлаши, юқори ёруғлик тарқатадиган ёритгичлар учун зарур материал бўла олиши илмий жиҳатдангина эмас, амалиётда ҳам ўз исботини топди. Айрим ишланмалар, ҳатто тайёр маҳсулот сифатида истеъмолимизга ҳам кириб келмоқда. Мен ўрганаётган «ZnSe:Te» материали ҳам кенг зонали ярим ўтказгич ҳисобланади. Бироқ шу пайтга қадар у бирон илмий иш учун асос қилиб олинмаган. Кристалларни нурлантириш жараёнида ютиб олинган радиация ҳисобига ҳосил бўлувчи ёруғлик диоди ҳатто 30 вольтли кучланишда ҳам максимал ёруғлик бера олади.

Ядро физикаси институтидан ташқари Иссиқлик физикаси ҳамда Физика-техника институтидаги бир гуруҳ олимлар ҳам мазкур иш бўйича тадқиқот олиб боришяпти. Ёндашувлар турлича бўлишига қарамай саъй-ҳаракатларимиз умумий бўлгани учун яқин келажакда кам қувватли ёриткичлар ишлаб чиқариш, уларнинг ўзимизда яратилиши кўзда тутилмоқда.

Айни дамда Дилноза Элмуротованинг илмий тадқиқоти чет давлатларда ҳам катта қизиқиш билан кутиб олиняпти. Рус, инглиз ва немис тилларини мукаммал эгаллагани эса илмий изланишлари натижаларини дунё миқёсида ёйиш учун қўл келмоқда. Дилнозанинг танлаган мавзуси бўйича 30 дан ортиқ илмий мақола чоп этилди. У маърузалари билан Россия, Греция, Озарбайжон, Қозоғистон каби давлатлардаги халқаро анжуманларда қатнашган. Ўтган йили у Италиянинг Трест шаҳрида Халқаро назарий физика маркази томонидан дунёнинг ёш олим ва тадқиқотчилари учун ўтказилувчи анъанавий ўқув дастури (Workshop)да илк маротаба иштирок этди. Келгуси ойда Россиянинг Дубин шаҳрида «Нанотузилмаларнинг синхронли ва нейротронли изланишлари» мавзуида юқори курсларга маъруза қилади.

Олима билан суҳбатлашиб туриб, китоб жавонидаги кубоклар эътиборимни тортди. Буни сезган Дилноза опа кулимсираб:

– Мен, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг институтлари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларида доимо қатнашиб келаман. Бу кубоклар югуриш, баскетбол ва стол теннисидан олган ўринларимга берилган совринлар. Онам ҳам доим, «Соғлом танда соғ ақл, спортнинг бирор тури билан шуғулланишни канда қилмагин», дея насиҳат қиладилар, – дейди қаҳрамонимиз.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

Нуқтаи назар

РЕПЕТИТОР КЕРАКМИ?

Бугун мактаб, коллежни битирган ҳар бир ўғил-қизнинг орзуси битта – талаба бўлиш. Яқинда кичик укам «Опа, инглиз тилидан яхши репетитор топиб беринг, кейинги йили коллежни битираман. Ўз соҳам бўйича ўқишни давом эттирмоқчиман», деб қолди. Ҳали бир йил борку, дегим келди-ю, ўйланиб қолдим. Бу вақт кўз юмиб, очгунча ўтиб кетади, аввалдан тайёргарлик кўрган маъқул, албатта. Аммо унинг репетитор дегани мени ҳайрон қолдирди.

Бугун репетитор ёллаб ўқиш русумга айландими ё бўлмаса, коллежда, академик лицейларда берилган билим қониқарли даражада эмасми? Кўпчиликнинг фикрича, репетитор бир неча йил аввал ўтилган маълумотларни қайта ёдга тушириб, билимларни мустаҳкамлайди.

Репетиторлик билимни мустаҳкамлаш билан бирга, ўз ортидан бир қатор муаммоларни ҳам юзага чиқармоқда. Маълумки, кириш имтиҳонлари учта ихтисослик фани бўйича тузилган саволлардан иборат. Барча ўзи киришни истаётган ўқув даргоҳи имтиҳонларига киритилган уч фан бўйича тайёргарлик кўради. Бу тайёргарликни эса бир, икки йил олдин бошлашлари коллеж ёки лицей дастурини ўзлаштиришга халақит бермасмикан? Кўпгина ота-оналар эса, мактабда фарзандини шу уч фан бўйича яхши ўзлаштиришга ундаганларини кўп кўрганман. «Қолган фанларнинг кераги йўқ. Кириш имтиҳонида она-тили ва ўзбек адабиёти, инглиз тили, тарих бўйича тузилган саволлар тушар экан. Шу боис, мактабга давомат учун бориб келади, шу уч фан бўйича яхши репетитор топиб бердим. Ўқишга кирса бўлди-да» қабилидаги гапларни эшитамиз. Боланинг миясида бу билан шу фанлардан яхши ўқисам бўлди, қолганига киришим ҳам шарт эмас, деган фикр туғилмайди, деб ким айта олади? Бу билан ёш боланинг мен ҳуқуқшунос бўлмоқчиман, шундай экан, менга физика, математика, кимё, керак эмас, деб мактабдан, умуман ўқишдан кўнгли совуши турган гап.

Масаланинг иккинчи томони – кимлар репетиторлик қилмоқда? Биз борган икки ўқув марказида ўқитувчиларнинг катта қисмини юқори курс ёки магистратурада таълим олувчи талабалар ташкил қилишини кўрдик. Бир гуруҳ учун уларга фан йўналишига қараб 60 мингдан тортиб, 150 мингача ойлик иш ҳақи белгиланган экан. Бўлажак абитуриентларнинг аксарияти коллежнинг 1-2-3-босқич ўқувчилари. Уларнинг барчаси уч фан бўйича ўқув машғулотларига қатнайди. Ҳам коллеждаги, ҳам бу ердаги ўқув дастури каби бу қадар катта ҳажмдаги ахборотни қай тарзда ўзлаштиришади? Бу фанлар мактабда ҳам, коллежда ҳам ўтилади-ку? Болалар репетиторга ишониб, ўқишга қўл силташлари тўғримикан?

Яна бир гап. Кундан-кун ўқув марказлари сони камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда, демак, бунга талаб бор. Дарс жараёнига эътибор берсак, уларнинг мактаб машғулотларидан фарқ қилишини кўрамиз. Ўқув марказида бир фан бўйича уч соат дарс ўтилади. Биринчи соатда янги мавзу ўтилса, иккинчи соатда ушбу мавзу ўзлаштирилади, учинчи соатда эса мавзуга доир тест ечилади. Бу ерда ўқитувчилар ўз талабаларининг олий ўқув юртларига киришидан манфаатдор. Сабаби, ўқув марказлари ўртасида кучли рақобат бор. Гап, катта даромадлар ҳақида кетмоқда.

Энг ачинарлиси, бугун мактабларда ҳам репетиторлик авж олмоқда. Бу билан ўқитувчи ўзини дарс чоғи тўлиқ намоён этмайди, деган тўхтамга келиш мумкин. Қўшним куюниб гапириб қолди: ўғлим мактабда яхши ўқийди, лекин ўқитувчиси репетиторлик қилади, ўзига келган болаларга яхши баҳо қўйиб, қолганларга эса ўзлаштира олмаяпсизлар, дея қўшимча пуллик дарсларга келишга мажбур қилар экан. Демак, ўқитувчи дарс жараёнида ўз билим доирасидан имкон қадар фойдаланмайдики, қўшимча соатлар орқали ўқувчилар билимини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Балки шундан репетиторга бориш яхши самара беради ва у олий ўқув юртига кириш учун асосий восита каби фикрлар пайдо бўлгандир.

Кириш имтиҳонларидаги саволлар мактаб ва академик лицей ёки коллеж ўқув дарсликларидан олиниши, уларга бошқа маълумотларнинг киритилмаслиги репетиторга у қадар эҳтиёж туғдирмайди, менимча. Репетиторлик қилувчининг ҳам айнан мактаб ва академик лицей ёки коллеж ўқув дарсликлари дастуридан четга чиқмаган ҳолда машғулотларни ўтказиши эса ўқувчига мустақил ҳолда ҳам кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш имконини беради.

Аввало ҳамма гап ўзимизда, биз фарзандларимизни ўқув курсларига олиб борар эканмиз, болаларимиз билимидан қониқмаймиз, демак, ўз вақтида эътибор бермаганмиз. Уларни репетитор қўлига топшириш билан ўз айбимизни тан олямиз, холос.

Дилноза ЭГАМҚУЛОВА.

КИМ БИЛАН ТАНИШМОҚЧИСИЗ?

Бир фильмдаги лавҳа мени ўйлантириб қўйди. Аэропортда хорижлик бир қиз қўлида «Фарруҳ» деб ёзилган қоғозни ушлаб турибди. Бир қараганда оддий ҳол, Фарруҳ исмли таниши уни кутиб олишга чиқиши керак ва ҳали замон келиб қолади. Йигит келди, аммо ёзувни ушлаб олган қизни кўриб, бекиниб олди. Кейинчалик маълум бўлдики, улар интернет орқали танишишган. Қиз ўзининг сурати ўрнига аллақайси бир гўзал актриса расмини юборган. Йигит эса ҳақиқий қизни кўргач...

Охирги пайтларда ўзбек йигит-қизларининг чет элликлар билан интернет орқали танишиб, уларга уйланиб ё бўлмаса, турмушга чиқиб, хорижга кетаётганини эшитяпмиз. Муҳаббат бугун манба ва макон танламаяпти, чоғи. Кундалик турмушимизга кириб келган интернет тармоғи, ўй-фикримизни, ҳатто дидимизни ҳам забт этмоқда. Интернет орқали танишувлар, дил изҳорлари, турмуш қуришлар хаёлдаги муҳаббатнинг рўёбга чиқишими ёки севгини, хоҳишни мақсад ва изнга қараб бўйсундиришми?

Бугун интернет инсон ақлининг буюк намунаси сифатида эътироф этилмоқда. У бизга жуда катта имкониятларни таклиф этаяпти. Жумладан, шахсий ҳаётимизни йўлга қўйишни ҳам. Кундан-кунга жуда кўп кишилар интернетда, яъни «стулда ўтирган ҳолда» танишишни афзал билишмоқда. Бунга ихтисослашган сайтлар сони эса йилдан-йилга ортиб бораяпти. Бу каби танишиш ҳар жиҳатдан қулай, анкета тўлдирасиз ва расмингизни жойлаштирасиз. Шундан сўнг фақат кутиш қолади. Яна бир танишув усули чатларда тўғридан-тўғри суҳбатлаша бошлайсиз. У бир пайтнинг ўзида ўнлаб инсонлар билан танишиб, гаплашиш имконини беради. Ғарбда бу каби танишишдан аллақачон воз кечишган бўлса, бизда бу охирги вақтларда русумга айланди. Биргина mail.ru сайтининг интернет танишув деб номланган саҳифасида турар жойи «Ўзбекистон – Тошкент» бўлган 20 мингдан ортиқ кишининг анкетаси жойлаштирилган. Ўзбек чатларига эса бир кунда ўртача 1000 дан ортиқ фойдаланувчилар киради.

Бу каби сайтлар ва чатлар аввал бошда уйдан ташқарига чиқиш имкониятига эга бўлмаганлар ёки ёши бир жойга бориб қолган, суҳбатлашиш унинг ягона овунчига айланган кишилар учун ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик эса чинакам оламшумул янгиликка айланди. Кўпчиликнинг фикрича, бу дўстлар орттиришнинг, вақтичоғлик қилишнинг, қизлар ёки йигитлар билан танишишнинг энг қулай усули экан. Бундан ташқари, кўз-кўзга тушмаса, одам чин кўнгилдан гаплашади ва ўз дардини бемалол бегона кишига айтиб, юрагини бўшатиб олиши мумкин эмиш.

Аммо энг ачинарлиси, бугун интернет кафеларда ўтирган фойдаланувчиларнинг 90 фоизини 15-20 ёшгача бўлган ўқувчи ва талабалар – ҳали ўзи пул топмаётган ёшлар ташкил этади. Демак, интернетга сарф этган пуллари ё тушлик учун берилган ёки бошқа бирон эҳтиёжи учун. Талаба ёки ўқувчи учун интернет танишув нима учун керак? Унинг дарс қилиш, китоб ўқиш ўрнига вақтини кўнгилхушлик учун сарфлаётганига нима дейсиз? Чатлардаги суҳбатга эътибор қилсангиз, у ерда дўстона суҳбатлардан кўра сўкиш, ҳақорат ва мазах қилишдан нарига ўтилмайди. Танишув сайтларидаги анкеталар муаллифининг яхши ниятда эканлигига ким кафолат беради?

Яқинда курсдошим бир воқеани айтиб берди. Дугонасига яқинда суддан чақирув қоғози келибди. Маълум бўлишича, у интернетда Москвада истиқомат қилувчи бир йигит билан танишиб, ўзининг сурати ўрнига гўзал бир қизнинг расмини юбориб, ярим йил давомида йигитни алдаб юрган. Йигит расмдаги қизга ошиқ бўлиб, Тошкентга келади. Сир очилгач эса, қизни судга берибди.

Дарҳақиқат, виртуал танишишнинг энг асосий камчилиги бу хат ёзишаётган инсоннинг ким, мақсади нима эканлигини билмайсиз. Ҳозир интернет орқали гаплашаётган ҳамсуҳбатингизнинг сизга нисбатан муносабатида ғаразли нияти йўқлигига ишонасизми? 2007 йилнинг август ойларида Япония полицияси 16 ёшли қизни ўлдирганликда гумон қилинаётган жиноятчини ҳибсга олди. Суриштирув чоғида маълум бўлдики, қотил ўз қурбони билан интернет орқали танишган экан.


Тўғри, интернет туфайли хат ёзишмалар қулайлашди. Сизнинг ёзишмаларингиз йиллар ўтса-да сақланиб туради. Аммо танганинг иккинчи томонини ҳам унутмаслик зарур. Интернетдаги танишув сайтлари бу ёлғиз кишилар учун ўз бахтини топишга ёрдам берадиган бир усул бўлиш билан бирга вақтни беҳуда сарфлаш ҳамда жиноятчиларнинг қуроли ҳамдир. Бугун жуда кўп ёшлар бу туфайли алданиб қолаяпти. Ўғри, муттаҳамлар тўрига илиниб, турмуши бузилаётганлар қанча. Шу боис, ҳар нарсадан ўз ўрнида фойдаланиш, унинг ижобий томонларинигина кўрмай, салбий жиҳатлари устида ҳам бош қотириш фойдадан холи бўлмайди.

Д. БЕККУЛОВА.

МАЪРИФАТ

ИЖОД ОЛАМИНИНГ ФУҚАРОСИ

Ёндафтарчамни варақлаб туриб, «Журналистика адабиётнинг разведкачиси», деган ёзувни ўқиб қолдим. Сатрлар ёзувчи, журналист Жўра Фозилга тегишли экан. Нафсиламрини айтганда, бу муаллифнинг ҳаётий ҳақиқати. Негаки, журналистика у учун битмас-туганмас мавзулар, ҳаётий материаллар, таассуротлар манбаи бўлиб келди. Тақдирини доимо халқ билан боғлайдиган, эл-юртнинг қувончи ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган касб соҳиби ёзувчи сифатида танилганини айнан журналистика билан боғлаётгани учун ҳам шу фикрни айтгандир, балки.



«Ватанпарвар» муштарийлари бу севимли ижодкорни яхши билишади. Ахир, газета саҳифалари орқали ҳикояларидан баҳраманд бўлишган-да. Шундай бўлсада, айтиб қўяй – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўра Фозил «Тирамоҳ армонлари», «Муҳаббатнинг байрамлари», «Барқут мавсум», «Бухоро элчиси», «Бухорийнинг қайтиб келиши», «Бахт юлдузи», «Болаликнинг ёлғиз ёдгори» каби кўплаб ҳикоялари, қисса, романлари билан адабиёт мухлисларига маълум.

Жўра ака билан тез-тез қўнғироқлашиб турамиз. Бир куни салом-аликдан сўнг, яқинда Ватан ҳимоячилари ҳузурида бўлгани, бир олам таассурот билан қайтгани, бу янги ҳикояга туртки бўлганини ҳаяжон ила сўзлади. «Бугунги аскарларга, умуман, Ўзбекистон ҳарбийларига ҳавасинг келади. Ўғлим юрт тинчлиги, осойишталигини асрашни касб қилганида қувондим, оқ фотиҳа бердим. Мустақиллик берган бундай имконга шукрона келтирдим.

Юрт ҳимоячилари орасида кўп бўласизлар. Улар хусусида, бугунимиз қаҳрамонлари ҳақида салмоқли асарлар ёзинглар, укажон». Гапининг охирида куйинчаклик билан айтганлари ҳарбийлар ҳақида янги-янги мақолалар ёзишга руҳлантирди.

Газетамиз саҳифаларига ёзувчининг «Йўлбарсдаранинг сўнгги султони» ҳикоясини тайёрлаётиб, хаёлан Амударё соҳилларига сайр қилдим. «Сўнгги султон»нинг изларини ахтардим. Туйқусдан унинг наърасини эшитдим. Кўкни ларзага келтирувчи, қалблардаги мудроқликни, лоқайдликни чилпарчин қилувчи наърани. «Сўнгги султон» фожиаси ўз-ўзимизнинг фожиамиз, дардимиз, дея ҳайқиргим келди. Мен бу ҳикоядан ана шундай таъсирланганман.

«Жўра Фозил тарихий ва замонавий мавзуларда бирдек самарали қалам тебратаётган серқирра истеъдодли адиб», дейди ёзувчи Ғулом Карим. Мен ёзувчининг «Бухорийнинг қайтиб келиши» тарихий романини ўқиб, Бухоро тарихида ҳали ўрганилиши кўп жиҳатларни англадим. Ёзувчининг ўзи ҳам бу хусусда шундай деганди: «Мазкур асарни ёзиш жараёнида Бухоро, Мовароуннаҳр, Хуросон, умуман, Марказий Осиё ва динлар тарихини қайтадан ўрганишга тўғри келди. Шу билан бир қаторда Бухорода ҳукмронлик қилган хон ва амирлар, Бухоро билан боғлиқ мамлакатлар – Россия, Рум, Ҳиндистон, Хитой тарихига мурожаат қилдим. Туркий миллатларнинг келиб чиқиши тарихини ўргандим».

Яна бир гап. Ёзувчининг «Айрилиқ остонаси» романига туркийларнинг машҳур ҳоқони Ўғузхон ҳақида ўзбек адабиётида яратилган иккинчи йирик асар, сифатида баҳо берилди. Бу ижод йўлидаги заҳматли меҳнатнинг, туғилиб ўсган юрт, киндик қони томган тупроққа бўлган чексиз муҳаббатнинг самараси.

«Ромитаннома» газетасининг бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўра Фозил умрининг камолот фаслига, 60 ёшга қадам қўйди!


Ҳаёт ўтган кунлар эмас, балки эсда қолганлари билан гўзал, дейишади. Шу маънода ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, ортда қолдирган изи умр аталувчи тарозу палласида тош босади, дея оламиз. «Ёзувчилик оғир қисмат. Лекин ҳаётни қайтадан бошлашга тўғри келганида ҳам мен ёзувчиликни танлаган бўлардим», деган эди Жўра ака. Бу фикрлар замирида турмуш икир-чикирларини мардона енгиб, яратиш, яратувчанлик руҳи билан бедор яшашни ҳаётий формулага айлантирган инсон тақдири ётибди. Кимдир бунга ҳавас қилар, кимдир... Ҳа, ёзувчининг, ижодкорнинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам балким шундадир. Фоний дунёнинг бузуқ тарозиси билан ўлчанадиган ҳою ҳавасларидан маънавиятни, ўз дунёси – ижод оламини баланд қўядиган бундайин инсонларга бошим ерга теккунча таъзим қилгим келади.

Ижод оламининг фуқароси – олтмиш ёшли йигитга эса умр китобингиз янги-янги саҳифалар билан бойисин, юрагингиз бахтга, эзгу ишларга талпинишдан чарчамасин, деб қоламиз.

Майор А. САФАРОВ.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Бугун юртимизда ҳарбий соҳа тобора фахр-ифтихорли, ҳавас қилса арзигулик касбга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунда олиб борилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда ёшларга чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг сифатли ва самарали ўқитилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ушбу соҳада эришилган натижаларни яна ҳам мустаҳкамлаш, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилиши сифатининг оширилиши ҳамда такомиллаштирилиши, моддий-ўқув базанинг яхшиланиши, ёшларни ҳарбий соҳага яна ҳам кўпроқ қизиқтириш ва йўналтириш, бу борада амалга оширилаётган ишлар, бошланғич тайёргарлик билан боғлиқ зарур тавсиялар, ўқув-услубий маълумотлар ва фаннинг замонавий илғор технологиялар асосида ўқитилишига оид муҳим жиҳатларни ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида Мудофаа, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг қўшма қарори асосида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси» кўрик-танлови ўтказилаётганидан хабарингиз бор. Танловда юртимизнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитиладиган барча мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари иширок этадилар. Бунда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг ёшларга ўқитилишида ўқитувчининг услубий тайёргарлиги, замонавий таълим технологияларидан қанчалар кенг фойдаланаётганлиги, таҳсилнинг сифати, моддий-ўқув базанинг зарур ўқув ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланганлиги, ташкилий ишлар самарадорлиги, ёшларнинг билим ва кўникмалари, жумладан, саф тайёргарлиги машқлари, жисмоний тайёргарликлари кўрикдан ўтказилиб, ўқувчилар фан бўйича тест синовлари топширадилар. Худди шу тариқа кейинги босқич вилоят миқёсида ўтказилади. Якуний учинчи босқичда вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бир нафардан ғолиб деб топилган таълим муассасалари ғолиблик учун кураш олиб боришади. Барча босқичларда ғолибларни аниқлаш ҳар учала вазирлик вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан амалга оширилади. Танлов ҳар йили ўқув йили якунига қадар тўлиқ ўтказилиши белгилаб қўйилган. Анъанавий тарзда, босқичма-босқич ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг бу йилги якуний босқич ғолиби аниқланадиган мусобақа пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган темир йўл касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу билим масканида ҳарбий соҳага оид билимларни пухта эгаллашга катта эътибор қаратилган. Буни таълим муассасаси моддий-ўқув базасининг мукаммал жиҳозланганлиги, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари ўтказиладиган синфхоналарнинг зарур кўргазмали воситалар билан таъминланганлиги, умуман олганда, ёшларда фан бўйича бевосита ҳарбийча кўникмани ҳозирдан пухта шакллантириш учун етарлича шарт-шароитлар яратилгани, ўқувчиларда интилиш ва иштиёқ ҳамда билим ва кўникмаларнинг етарли даражада шаклланганлигидан ҳам яққол кўриш мумкин.

– Кўрик-танловларда иштирок этган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитиладиган таълим муассасалари 5326 тани ташкил этди, – дейди Мудофаа вазирлиги вакили офицер Содиқ Йўлдошев. – Қувонарлиси шундаки, барча иштирокчилар, айниқса, ёшлар мусобақаларга ғоят қизғин ва жиддий тайёргарлик кўришиб, ғолиблик учун астойдил кураш олиб бордилар. Бу ҳам юртимизда ҳарбий соҳага эътибор ва қизиқиш ошаётганидан, соҳа ривожланаётгани ҳамда ҳарбий касбнинг нуфузи юксалаётганидан, энг муҳими, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тушунтириш ва тарғиб этиш ишлари тўғри йўлга қўйилганидан далолат.

Бевосита Ҳамза туманидаги темир йўл касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган мусобақаларга қайтадиган бўлсак, ушбу таълим муассасаси ҳам ғалаба учун асосий даъвогарлардан эканини таъкидлаш ўринлидир. Чунки, мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётган ушбу билим масканида ҳарбий соҳага оид билимларни пухта эгаллашга чуқур эътибор қаратилаётгани яққол кўриниб турибди. Ёшларга соҳа сирларини ўргатишда эса истеъфодаги подполковник Ҳусанхўжа Дадахўжаевнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

Сифатли олиб борилган бу каби ишлар натижаси бўлиб ўтган мусобақада ўз самарасини кўрсатди. Ўқувчилар тест синовлари, саф машқларини юксак талаблар асосида бажардилар. Албатта, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, натижалар ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

Худди шу каби мусобақалар барча вилоятларда финал босқичига чиққан таълим муассасаларида ҳам бўлиб ўтди. Барча натижалар ўрганиб чиқилгач, якуний босқич ғолиби аниқланади.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

МАЪНАВИЯТ

ИНСОН, ОНГ, ҲАЁТ...

«Публицистик миниатюралар» (ўн тўртинчи мақола)

Мамлакатимизда чоп этиладиган даврий нашрлар орасида «Тафаккур» журнали алоҳида ажралиб туради. Таҳририят аъзолари муаллифлар билан ҳамкорликда кенг ўқувчилар оммасининг илмий-фалсафий, руҳий, таҳлилий материалларга бўлган талабини қондириш йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Айтиш мумкинки, унда чоп этилаётган мақолалар ўқувчилар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилиши ҳамда уларни фикрлашга, мушоҳада юритишга ундаши нуқтаи назаридан журнал номига ниҳоятда мос. Шу маънода журналда чоп этиладиган материалларга нисбатан юксак талаблар қўйилади, яъни савияси саёз ва муаммолар чуқур таҳлил қилинмаган мақолаларни журнал саҳифаларида деярли учратмайсиз.

Яқинда бир юмуш билан журнал таҳририятига кириб борганимда муҳаррирлардан бири – Муҳиддин Раҳимовнинг нимадандир хуноби ошиб турганини кўрдим.

– Одамларга ҳайронман, – дейди Муҳиддин ака, сўрашганимиздан сўнг, – баъзан савияси паст, нисбатан саёз мақолаларни ҳам олиб келаверишади. Қанийди, эътиборга молик бирон қимматли ва жўяли фикрлар айтилган бўлса. Ўзингиз биласиз, журналимиз ҳар уч ойда бир марта чоп этилади, шундай экан, муаллиф мавзу устида камида уч ой ўйлаши керак эмасми?!...

Журнал масъул котиби Дамин Жумақулов билан баъзи бир масалаларни ҳал қилгач, кетишга чоғланаман. Сизни Эркин ака йўқловдилар, ҳузурларига кирсангиз, яхши бўларди, – дейди Дамин ака.

Овози актёрларникига ўхшаб кетадиган бош муҳаррир ҳар доимгидек илиқ қарши олди. Бу инсон билан гаплашганингиз сари гаплашгингиз келади. Ундаги самимият туйғуси бунга сабаб бўлса, эҳтимол. Эркин ака ҳарбий хизматчиларнинг бадиий асарлар, умуман китоб мутолаасига бўлган муносабатлари билан қизиқди. Мен ёзувчининг яқинда нашр этилган «Жаннат ўзи қайдадир?» китобидан олган таассуротларим ҳақида сўзлаб бердим. Эркин аканинг китобхонлик ва мутолаа жараёнига муносабати ўзига хос.

– «Тафаккур»даги мақолаларни ўқиб, идрок этиш ўқувчидан анчайин фаҳм-фаросат ва иродани талаб қилишини тушуниш мумкин, – дейди бош муҳаррир, – аммо «Жаҳон адабиёти»дай бадиий-публицистик ва оммабоп журналимизнинг бор-йўғи минг нусха атрофида чоп этилишини қандай тушуниш мумкин?! Оддий ўқувчиларни бир четга суриб қўйганимизда ҳам мамлакатимиздаги турли хил таълим муассасалари, қолаверса, бевосита бадиий ижодга дахлдор бўлган адабиёт ўқитувчиларининг сони бир неча ўн мингларни ташкил этади-ку!?

Эркин аканинг бир қадар куюниб айтган бу гапларига қўшилмасдан иложингиз йўқ. Тўғриси, ҳамма халқларда ҳам дунё бадиий тафаккурининг минбари – «Жаҳон адабиёти»дек нашрлари йўқ. Ҳозир жаҳон адабиётидан қилинган таржималар бўйича ўзбек тили туркий тиллар орасида биринчи ўринда турар экан. Бунда «Жаҳон адабиёти»нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Айтганча, Эркин Аъзамнинг юқорида эслаганим «Жаннат ўзи қайдадир?» китоби бу йил Ўзбекистон давлат мукофотига тавсия этилиши бир ўқувчи сифатида мени хурсанд қилди. Китоб тўғрисида ёзувчининг ўзи шундай фикр юритади: «Бу тўплам – менинг бирмунча танаффусдан кейинги роппа-роса бир йиллик изланишларим маҳсули. Бундаги киноқиссалар экран сари, драматик машқ саҳна сари йўл олган бўлса-да, мен уларни аввало, адабий асар сифатида ёзганман, шундай деб биламан.

Китобнинг қаҳрамонлари – мана шу теварагимиздаги одамлар, сизу биз, лўндароқ айтсак – замондошларимиз. Уларнинг орасида яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам. Дарвоқе, ўзимиз шундай эмасмизми? Бегуноҳ фаришта бўлганимизда осмонларда парвоз қилиб юрармидик...

Тўпламга, шунингдек, «Тафаккур» журналига пешлавҳа тариқасида ёзилган публицистик миниатюралар ҳам киритилди. Булар менинг мазкур журналдаги фаолиятимдан намуналар.

Ўқирсиз, кўрарсиз – унча-мунча дардим, борингки, даъволарим ҳам қўлингиздаги ушбу китобда».

Тўғриси, ҳозир баъзи бир вақтли нашрларда «Муҳаррир минбари» рукни мавжудлигини биламиз. «Тафаккур»даги пешлавҳа мақолаларнинг бошқалардан фарқи шундаки, уларда жамият ва инсонлар ҳаётига хос бўлган ва биз кўпда эътибор беравермайдиган, аниқроғи, шундай бўлиши зарурдай туюладиган энг муҳим маънавий, ахлоқий ҳамда интеллектуал муаммолар кўтарилади, таҳлил қилинади. Пешлавҳаларнинг яна бир ўзига хослиги – мақолаларнинг ҳажман ниҳоятда ихчамлиги. Улар нари борса, бир саҳифа ҳам чиқмайди. Шунинг учун ҳам ёзувчининг ўзи уларни «публицистик миниатюралар» деб атайди. Аммо уларнинг ҳар биридаги фикр – ғоя каттагина мақола учун бемалол етиб ортади. Тўғри, уларни бир пасда ўқиб ташлайсиз, бироқ ўқиш-англаш жараёни анча вақтингизни олиши аниқ. Масалан, журналнинг бу йилги иккинчи сонидаги материални олайлик... Йўқ, яхшиси, уни ўзингиз ўқинг, чунки тафсилотини аниқ қилиб етказиб беролмайман, деб қўрқаман.

Мен Эркин ака узатган чойни ичиб, пиёлани жойига қўяр эканман, унинг нигоҳидан суҳбат асносида хаёлида ниманидир пишитиб, ҳозироқ ёзишга ўтирмоқчи эканлигини пайқаб, кетишга рухсат сўрадим. Ёзувчи янги китобига дастхат ёзиб бергач, хайрлашдик. Кўчага чиқишим билан, сабрим чидамай, китобнинг биринчи саҳифасини очдим ва ҳозиргина кўк рангли сиёҳ билан чиройли ҳуснихатда битилган мана бу ёзувга кўзим тушди: «Чорибой дўстим! Келинг, ўлдирса – рост гап ўлдирсин! Сизни ҳам, бизни ҳам!»

Подполковник
Чори НАСРИДДИНОВ.

Ветераны среди нас

ДУШОЙ ВСЕГДА ОНИ В СТРОЮ

Ветераны... Многие из них, несмотря на свой возраст и состояние здоровья, и ныне душою остаются в воинском строю. Они приходят в воинские коллективы, встречаются и беседуют с личным составом и, получая для себя от этих встреч душевное удовлетворение, делают для всех большое и нужное дело.

В обычный субботний день ветераны войск МВД, в соответствии с решением совета ветеранской организации, которую возглавляет полковник в отставке Е. Жуковский, побывали в частях и подразделениях Караульных войск и встретились с воинами. Главной целью этих встреч стало оказание помощи командирам и личное участие в работе по мобилизации личного состава на дальнейшее укрепление дисциплины в войсках.

В войсковую часть, где служит офицер О. Ким, прибыли участник Второй мировой войны полковник в отставке В. Лазарев, ветераны полковники резерва Д. Мухамедов и Н. Добрынин, подполковник в отставке А. Полипов. Они побеседовали с отдельными военнослужащими, выступили перед различными категориями личного состава, поделились своим опытом службы, рассказали на конкретных примерах, к чему могут приводить малейшие отступления от требований присяги и уставов, призвали воинов постоянно крепить организованность и дисциплину, быть профессионалами воинской службы и настоящими патриотами своей страны. Интересным было выступление ветерана войск Н. Добрынина, который ранее служил в финансовом отделе войск, а ныне работает в городском отделе по делам обороны. Он рассказал о заботе Президента и правительства страны о военнослужащих, подробно, называя конкретные цифры, раскрыл вопросы финансового обеспечения офицеров, сержантов и рядовых.

– Подобные встречи, – сказал в беседе заместитель командира по воспитательной работе офицер Б. Калантов, – дают нам, офицерам, очень многое. Ветераны – носители богатого служебного и жизненного опыта, и они щедро делятся им с нами, учат и дают нам добрые советы и свои наставления, как правильно работать и действовать в той или иной ситуации. За все это им большое спасибо. Примерно по такому же плану работали председатель Совета ветеранов войск полковник в отставке Е. Жуковский и полковник в отставке Т. Соатов. В подразделении офицера А. Кульбекова побывали полковники в отставке А. Абдурахманов и П. Польский. Полковник резерва А. Рауясов выехал в подразделение офицера П. Исмаилова. Где, кроме встреч с личным составом, дал командованию подразделения непосредственно на месте много ценных советов и рекомендаций, особенно по вопросам организации боевой службы.

Нет сомнения, что проведенные встречи с ветеранами послужат более ревностному выполнению военнослужащими войск своего воинского долга и возложенных ответственных обязанностей по службе.

Николай ЧУРСИНОВ.

ШОҲИ БЕЛБОҒ

Ҳар бир халқнинг ўз маданияти ва қадриятларини намоён этишда миллий либосларнинг ўрни беқиёс. Ўзбекона либослар ҳақида сўз борганда, аёлларнинг атласу адрас, ироқи дўппилари, эркакларнинг беқасам, банорас, зардўзи тўнларию юксак дид билан тикилган белбоғлари кўз ўнгимизга келади.



Айниқса, бек йигитларнинг кўркига кўрк қўшиб турувчи «шоҳи белбоғи» кишининг ҳавасини келтиради. Тарихга назар ташлар эканмиз, белбоғ қадим-қадим замонлардаёқ пайдо бўлганига гувоҳ бўламиз. У эркакларнинг тўн, яктак каби либослари кийилганда қулай бўлиши учун белга боғланган. Унинг илк кўриниши ҳозиргидек тўртбурчак эмас, энли ва энсиз тасма шаклида бўз, шойи, теридан тайёрланган бўлиб, белга боғлашдан бошқа қулайликлари бўлмагач, ҳозирги кўринишини яратишган. Белбоққа уйдан узоқроқ жойга йўлга чиққанда егулик тугиб олишган, бундан ташқари у ҳамён, дастурхон, сочиқ, жойнамоз вазифасини ҳам ўтаган.

Эркаклар белбоғни ёшидан келиб чиқиб танлайдилар. Бунда матонинг тури, ранги, безаклари катта аҳамият касб этади. Кексалар оқ бўздан тайёрланган, кашталари одми кўринишдаги белбоғдан фойдаланишган. Ёшлар лас, шойи, атлас нақшларида қуёш, гуллар расмлари туширилган ва ёркин рангли иплардан тикилган белбоғ тутганлар. Бундан ташқари, улар касбга кўра ҳам фарқланган. Амалдорлар тоза матога зар иплар билан безак берилган, ҳарбийлар эса чармдан тайёрланган белбоғларни хуш кўришган.

Маросимларда совға сифатида белбоғ бериш ҳам ҳурмат-эътиборни англатган. Бу одат ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Мард, бели бақувват бўлиб улғайсин, деган ниятда тўй болага қийиқча, куёв тўраларга келин томони шоҳона белбоғ боғлашган. Бу куёв хонадонида доим «бек» бўлиб юрсин, деган маънони билдиради.

Халқимизда мард, лафзи ҳалол, ориятли йигитларни «Белида белбоғи бор», дея мақташади. Демак, у эр кишининг фазилатларини ҳам акс эттирган.

Асрлар ўтса-да, аждодларимиз – боболаримиз, эр йигитлар ардоқлаб келган белбоғлар, қадр-қимматини йўқотмаган қадриятлар тўғрисида ҳунарманд Мўътабар Комилова шундай дейди:

– Мен тадбиркор аёллар палатасига аъзо бўлиб, ишимни ҳунармандчиликдан бошладим. Қадимий либос ва буюмларимизни йиғиб, уларнинг кўриниши, безагидан нусха олиб, турли либос ва белбоғларимизнинг нақшларига қўшимчалар киритмоқдаман. Миллий либосларимизда ўзимизга хос қадриятларимиз мужассам. Масалан, турмушга чиқмоқчи бўлган қизлар ёрига атаб яхши ниятлар ила дилдаги сирларини қўшиб белбоғ тикканлар. Унинг нақшлари турлича бўлиб, улар қуёш тасвирли, бодом гулли, қалампир нусхали ёки турли ҳайвонларнинг териси кўринишларида бўлган. Мисол учун, Иккинчи жаҳон уруши вақтида қиз ёрининг жангдан соғ-омон, ёруғ юз билан қайтишини тилаб, тўқ пушти рангли шойига шернинг териси шаклини тушириб белбоғ тиккан. Мақсадим, ана шундай анъаналарни давом эттириш.

– Белбоғ одамни руҳан тетиклаштиради, – дейди Мўътабар опанинг умр йўлдоши устазаргар Илҳом Комилов. – Айтишларича, «Белбоғни ҳар кимга бериб бўлмайди», бу хонадон шаънига доғ туширишини билдиради, оила жиловини қўлдан чиқариш маъноларини англатади. Ибн Сино бобомиз ҳам белбоғнинг соғлиқ учун фойдали томонларини алоҳида таъкидлаган. Белга белбоғ боғланганда буйрак, бел, қовуқ шамоллашларининг олди олинади, – деган. Демак, белбоғ эркакларнинг ҳам ғурури, ҳам ор-номуси саналгани учун у ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмасин.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

СПОРТ

Енгил атлетика

АРМИЯЧИЛАРНИНГ БИШКЕКДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Бишкекда енгил атлетика бўйича Олимпиада чемпиони Т. Колпакова совриги учун халқаро мусобақа ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси негизини ташкил этувчи Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари мусобақанинг 10 та олтин, 9 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритишди.



Мазкур халқаро мусобақанинг, айниқса, найза улоқтириш бўйича баҳслари вакилларимиз учун омадли бўлди. Ҳам аёллар, ҳам эркаклар ўртасидаги баҳсларда юртдошларимиз муваффақият қозонишди. МҲСК вакили Лилия Дўстматова улоқтирган найза 52 метр 6 сантиметр узоқликка бориб тушди. Бу натижа Ўзбекистон чемпионига халқаро мусобақанинг олтин медалини олиб келди. Унинг жамоадоши Иван Зайцев ҳам эркаклар ўртасидаги баҳсларда ғолиб чиқди. Бунинг учун унга 69 метр 5 сантиметрлик натижа етарли бўлди. Яна қувонарли томони шундаки, бу баҳсларда иккинчи ўрин ҳам юртдошларимизга, аниқроғи, МҲСК вакиллари Анастасия Семибратова ва Игорь Давлетовга насиб этди. А. Семибратова 46,86 метр, И. Давлетов 67,06 метр натижа билан халқаро мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Қисқа (аёллар ўртасида 100 метр, эркаклар ўртасида 110 метр) масофага тўсиқлар оша югуриш бўйича баҳслар ҳам армиячиларимизнинг қўш муваффақияти билан якунланди. Маррага иккинчи бўлиб етиб келган жамоадоши Зарина Қодирови атиги 0,10 сонияга ортда қолдиришга муваффақ бўлган Анастасия Прошкина 13,77 сония натижа билан аёллар ўртасидаги баҳслар ғолибаси бўлди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда ғолиб чиқиш учун эса Олег Норматовга 14,46 сония натижа кифоя қилди.

МҲСК вакили, спорт устаси Александра Котлярова эса халқаро мусобақанинг бир йўла иккита олтин медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Александра мусобақанинг уч ҳатлаб сакраш ва узунликка сакраш бўйича баҳсларида қатнашди. У узунликка сакрашда 6 метр 24 сантиметр, уч ҳатлаб сакрашда 13 метр 54 сантиметр натижа кўрсатиб, муваффақият қозонди.

Босқон диск ва ядро улоқтириш бўйича азалдан юртимизда яхши спортчилар етишиб чиққан. Енгил атлетиканинг бу турлари бўйича эндиликда спортчиларнинг янги авлоди вояга етаётгани ва азалий анъаналар яна қайта тиклана бошлагани қувонарли, албатта. Бишкекда босқон улоқтирувчимиз Татьяна Кузнецова 50 метр 44 сантиметр натижа кўрсатиб, аёллар ўртасидаги баҳсларнинг ғолибаси бўлди. МҲСКнинг яна бир вакили Алексей Шукин диск ва ядро улоқтириш бўйича эркаклар ўртасидаги баҳсларининг ҳар икки йўналишида иккинчи ўринни қўлга киритди. Енгил атлетиканинг бу икки тури бўйича аёллар ўртасидаги баҳсларда қатнашган вакилимиз Елена Смольянова эса Алексейга нисбатан янада яхшироқ натижага эришди. Елена улоқтирган диск 41 метр 71 сантиметр узоқликка бориб тушди. Бу унга мусобақанинг олтин медалини тортиқ этди. Спортчимизнинг ядро улоқтириш бўйича 14 метр 85 сантиметрлик натижаси эса унинг мусобақада иккинчи ўринга кўтарилишига олиб келди.

МҲСК ҳисобидаги ушбу халқаро мусобақанинг сўнгги икки олтин медали югуриш бўйича баҳсларда қўлга киритилди. Бу борада ҳам қизларимиз йигитларга нисбатан фаоллик кўрсатишди. Жумладан, 4x100 метрлик эстафетада қатнашган Анастасия Прошкина ва Оксана Кошелева ғолиблар сафида бўлди. Эркаклар ўртасидаги эстафетада қатнашган вакилларимиз А. Умаров, М. Ҳайдаров ва А. Дятловларга 43,53 сониялик натижа учинчи ўринни ҳадя этди. Шу ўринда А. Прошкина мазкур халқаро мусобақада ўзининг иккинчи олтин медалини қўлга киритганини таъкидлаш жоиз. Анна Сидорова ва Зарина Қодировалар ҳам мусобақада қўш совриндор бўлишди. Анна аввалига 800 метрга югуриш баҳсларида, Зарина эса юқорида таъкидлаганимиздек, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича якка тартибда кумуш медаллик бўлди, сўнг иккиси биргаликда 4x400 метр масофалик эстафетада қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олишди.

Шунингдек, МҲСК енгил атлетикачиларидан Павел Холодов 800 метрга югуриш бўйича ва Артём Дятлов 400 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича халқаро мусобақада иккинчи ўринни қўлга киритишган бўлса, Александра Бистригова ва Марат Ҳайдаров уч ҳатлаб ҳамда баландликка сакраш бўйича учинчи бўлишди.

Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари халқаро мусобақанинг жами 22 та совринига эгалик қилди.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Таэквондо

ЙИГИТЛАР, ҚИЗЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ

Таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионатида МҲСКнинг тўрт нафар спортчиси мамлакат чемпиони бўлди. Уч нафар таэквондочиси кумуш, тўрт нафари эса чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди. Йигитларга нисбатан қизлар армиячилар шарафини муносиб ҳимоя қилишди.



Сўнгги ўн йил ичида жаҳон спорт жамоатчилигининг Шарқ яккакурашларига бўлган муносабати кескин ўзгарди, уни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Зеро, Шарқ яккакурашларининг бир қатор турлари олимпия ўйинлари сирасига киритилди, яна бир қанча янги турлари Олимпиада ўйинларига киритилиш арафасида. Ўз-ўзидан тушунарлики, тараққий этган давлатлар мамлакат қудратини, шаъни ва шавкатини белгиловчи Олимпиада ўйинларидаги мавқеини сақлаб қолиш учун ҳам бу спорт турларининг ўз халқи орасида тез оммавийлашувини, юртда моҳир спортчилар камол топишини истайди. Бугунги кунда дунё бўйича кенг ёйилиб, тез оммавийлашиб бораётган ана шундай спорт турларидан бири – таэквондодир. У бизнинг юртимизда ҳам, жумладан, ҳарбийлар орасида ҳам оммавийлашиб бормоқда. Буни таэквондонинг WTF йўналиши бўйича бўлиб ўтган мамлакат очиқ биринчилиги ҳам кўрсатди.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўтказилган очиқ чемпионатда Марказий Осиё давлатлари ҳамда вилоятларимиз терма жамоалари иштирок этди. Ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган баҳсларда МҲСК вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашди.

Марказий ҳарбий спорт клуби ҳисобига ёзилган чемпионатнинг дастлабки олтин медалини энг енгил вазн тоифасидаги баҳсларда қатнашган Севара Қаҳҳорова олиб келди. У 46 кг. вазн бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки очиқ чемпионатда қатнашган бошқа мамлакатлар спортчилари орасида ҳам тенгсиз эканлигини кўрсатди ва чемпионликни қўлга киритди. Севаранинг ортидан Фотима Алимова 53 кг. вазнлилар ўртасида шундай муваффақиятга эришди. У ҳам очиқ чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди.

Армиячилар томонидан кетма-кет қўлга киритилаётган зафарлар бошқа қатнашчиларнинг сергакланишига, МҲСК спортчиларига нисбатан жиддийроқ муносабатда бўлиб рақобатлашишларига туртки берди. Лекин бу ҳам ўз самарасини бермади. 57 кг. вазнлилар тоифасида Дилобар Сайдуллаева ҳам клубдошларининг муваффақиятини такрорлади. У ҳам ўз вазн тоифасида чемпионликни қўлга киритди. Устига-устак бу вазн тоифасидаги баҳсларда иккинчи ўрин ҳам МҲСК вакили Венера Абдураззоқовага насиб этди. Майдонда очиқ чемпионатнинг ғолиблар учун аталган барча бош совринлари бугун гўё армиячиларга бағишлангандек бир вазият, руҳият пайдо бўлди. Бу борада курашиш, баҳс олиб бориш бефойда, барибир самарасиздек эди, гўё. Йўқ, ундай бўлмади, рақиблар армиячиларнинг учинчи муваффақиятидан сўнг карахтликдан уйғонишди. Уйғонгандаям, шундай уйғонишдики, қизлар ўртасидаги баҳсларда армиячилар ғолиблик у ёққа турсин, бошқа бирорта совринли ўринларни ҳам қўлга киритишолмади. Лекин, эришилган учта чемпионлик ва битта кумуш медаль МҲСК таэквондочиларининг салоҳияти учун етарли эди.

Марказий ҳарбий спорт клубининг таэквондочи йигитлари эса очиқ чемпионат баҳсларида қизларга нисбатан бироз «вазминроқ» қатнашишди. Бошқача ифодалаганда, улар чемпионат бошланишидаёқ, яъни енгил вазнлилар тоифасидаги баҳсларда қизлар каби кутилмаган шов-шувли, ёркин муваффақиятларга эришолмади, аксинча баҳсларнинг сўнгги босқичидаги оғир вазнилар тоифасида бир мартагина ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди. Қолган вазнлилар баҳсларида эса иккинчи ва учинчи ўринлар билан чегараланишди. Хусусан, 58 кг. вазнлилар ўртасида МҲСК вакиллари Рустам Пўлатов ва Шерзод Қудратовлар чемпионатнинг кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди. Сўнг 63 кг. ва 68 кг. вазнлилар баҳсларида Зайнобиддин Назаралиев ҳамда Иззат Икромовларга учинчи ўрин насиб этди.

74 кг. вазнлилар баҳсларида Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Дмитрий Ким яна бир марта таэквондо мутахассислари ва мухлислар эътиборини Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларига қаратди. У эркаклар ўртасидаги баҳсларда армиячиларнинг чемпионатдаги биринчи ва сўнгги олтин медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Дмитрийдан сўнг армиячилардан фақат Жасур Бойқўзиев 80 кг. вазн тоифасида бронза медаллик натижа кўрсатди.

Шундай қилиб, МҲСК спортчилари таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпионатининг 11 та совринли ўринларига мушарраф бўлишди.

Ж. РАСУЛОВ.

Велоспорт

БЎЛҒУСИ ОЛИМПИЯЧИЛАР ВЕЛОПОЙГАСИДА

Пойтахтимиздаги «Республика велотреки»да велоспортнинг трек пойгаси бўйича эркаклар, аёллар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари муваффақиятли қатнашиб, жами 17 та совринли ўринни қўлга киритишди.



Биринчиликнинг эркаклар ўртасидаги баҳслари МҲСКнинг наманганлик велоспортчиси Абдулла Акбаров учун жуда омадли кечди. У велопойганинг бир йўла бешта йўналиши бўйича чемпионат совриндори бўлди. Велоспорт бўйича спорт устаси А. Акбаров 15 та финишдан иборат 90 марталик айланма гуруҳ велопойгасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Ғолибнинг ўртача тезлиги 44,61 км/соатни ташкил этди. Истеъдодли ёш велопойгачи олимпия турига кирувчи спринт, 5 та финишдан иборат 30 марталик айланма гуруҳ ва ажралиб чиқиш пойгаларида иккинчи ўринни эгаллади.

Абдулланинг жамоадоши ва ҳамшаҳри Артур Халилов эса биринчиликнинг 8 та медалига сазовор бўлди. Артур Абдулладан кўра кўпроқ совринли ўринларни қўлга киритган бўлса-да, якка ўзи қатнашган пойгаларнинг бирортасида ғолиб бўлолмади. Унга биринчиликнинг учта кумуш ва тўртта бронза медали насиб этди. Тўғри, МҲСК вакили Артур Халилов чемпионликка ҳам эришди, бироқ биринчиликнинг бу олтин медали жамоавий баҳслардаги умуммуваффақият туфайли Артурнинг ҳисобига ёзилди.

Армиячилар ҳисобига чемпионатнинг иккинчи олтин медалини самарқандлик Анвар Ахметвалиев «Секреч» деб аталувчи 24 марталик айланма гуруҳ пойгасидаги серҳаракатчанлиги, чаққонлиги туфайли тортиқ этди. Чемпионнинг ўртача тезлиги 40,96 км/соатга тенг бўлди. Бу ёш ва истеъдодли велоспортчимиз чемпионатнинг жамоавий велопойгаларида ҳам икки марта совриндорлар қаторидан ўрин олди.

МҲСК вакиллари чемпионатнинг жамоавий велопойгаларида яхши натижаларга эришишди. Жумладан, олимпия турига кирувчи спринт велопойгасида армиячиларнинг Рустам Акбаралиев, Анвар Ахметвалиев ва Артур Халиловдан иборат учлиги ғолиб чиқди. Айнан шу йўналишдаги велопойгада таркибидан армиячилар вакиллари ўрин олган тўртлик – Сергей Мирзақулов (МҲСК), Рим Атласов (МҲСК), Ботир Худойберганов (МҲСК) ва республика олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Эльдор Валиевдан иборат жамоа учинчи ўринни эгаллади. Армиячилар, яъни А. Ахметвалиев, С. Мирзақулов, Р. Атласов, Р. Акбаралиев тўртлиги эса 3 километрлик велопойгада иккинчи натижани кўрсатди.

Қизлар ўртасидаги велопойгада армиячилар ғолибликни қўлга киритишолмади. Фақат Ляйсан Хазиева 3 километрлик ва 5 та финишдан иборат 30 марталик айланма гуруҳ велопойгаларида иккинчи ўринни эгаллаб, чемпионатнинг Марказий ҳарбий спорт клуби ҳисобидаги кумуш медалларини яна иккитага бойитди. Ўсмир йигитлар ўртасидаги шу йўналиш бўйича велопойгада МҲСК вакили Сергей Мирзақулов ҳам биринчиликда иккинчи натижани кўрсатди.




Умуман, Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари чемпионатнинг 3 та олтин, 9 та кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритишди. Чемпионат МҲСК сафида истеъдодли велоспортчилар камол топаётганлигини кўрсатди. Сара велопойгаларимиз шу кунларда Россияда ўтказилаётган халқаро турнирда қатнашмоқда.

Р. ЖУМАЕВ.

СПОРТ

МЕЧТЫ СБЫВАЮТСЯ



Текущий год для спортсмена Караульных войск МВД мастера спорта по борьбе младшего сержанта контрактной службы Дильшода Чорыева стал самым удачным в его спортивной биографии: в апреле он становится чемпионом Узбекистана по борьбе дзюдо в весомой категории до 90 кг, а в мае на чемпионате Азии в Китае завоевывает серебряную медаль, уступив в финальной схватке совсем немного японскому спортсмену.

Эти высокие спортивные достижения молодого атлета с большим воодушевлением и радостью были встречены не только его родными и близкими, но и всем личным составом Караульных войск.

Детство Дильшода прошло в Яккабадском районе Кашкадарьинской области в обыкновенной трудовой семье. Рос он крепким, физически развитым мальчиком, с малых лет мечтал быть похожим на известных народных богатырей-полванов, а потому увлеченно стал заниматься борьбой и всегда старался выделиться среди своих сверстников каким-то особым упорством в преодолении трудностей, ловкостью, силой и высокой подвижностью. Не раз в школьные годы он участвовал в различных соревнованиях по борьбе и часто занимал призовые места.

Именно любовь к спорту, стремление быть высококлассным борцом привели Дильшода в Чирчикский спортивный колледж олимпийского резерва, где он под руководством опытных тренеров настойчиво овладел приемами и тонкостями различных видов спортивной борьбы, особенно дзюдо.

Около четырех лет назад по окончании колледжа Дильшод Чорыев был призван на срочную военную службу в войска МВД. Здесь ему представилась хорошая возможность продолжать заниматься любимым видом спорта, делиться своими навыками с другими военнослужащими, постоянно повышать свое спортивное мастерство.

Уже на первом году службы рядовой Д. Чорыев – чемпион II Всеармейских игр по курашу в весовой категории до 81 кг. Это чемпионское звание, но уже в другой весовой категории, он подтверждает и на очередных Играх в прошедшем году.

Воинская служба пришлась по душе Дильшоду, и он остается на службу по контракту. Д. Чорыев – неизменный участник ежегодно проводимых спартакиад среди коллективов физической культуры ФСО «Динамо»: в 2007 году становится победителем по рукопашному бою, а в 2008 году в финальной схватке по самбо в упорнейшей борьбе он сумел вырвать победу у очень сильного соперника из Академии МВД А. Курбанова, неоднократного победителя мировых и азиатских соревнований по борьбе самбо и курашу. Его победа обеспечила самбистам Караульных войск первое общекомандное место.

– Дильшод Чорыев, – говорит начальник физической подготовки и спорта Караульных войск офицер Д. Ситников, – разносторонний, волевой и высококлассный спортсмен. Это большой труженик, он отдает всего себя спорту, много и упорно тренируется, ответственно относится к любому своему выступлению и всегда старается показать красивую и зрелищную борьбу.

Младший сержант Д. Чорыев, безусловно, своим упорным трудом многого добился за последние два-три года, но он не намерен останавливаться на достигнутом. На вопрос о планах на будущее он ответил просто:

– Планы – постоянно расти и совершенствоваться. Впереди, уже в этом году – чемпионат мира по дзюдо. Постараюсь принять в нем участие (это моя давняя мечта) и добиться как можно лучшего результата. А для этого надо, конечно, много и упорно работать.

Так пожелаем же Дильшоду Чорыеву дальнейших успехов в спортивном росте и осуществления его планов и надежд.

Н. ЧУРСИНОВ, ветеран войск.
Фото **автора.**

Ҳарбий-амалий кўпкураш

НАМАНГАН ЖАМОАСИ – БИРИНЧИ

Наманган шаҳрида чақирилувчи ёшлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши ҳамда ташкилотнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мусобақада вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ҳудудий баҳсларда ғолибликни қўлга киритган 14 та жамоа иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, беллашув ниҳоятда муросасиз ва қизиқарли курашларга бой бўлди. Мусобақа Низомига кўра, иштирокчилар автомобилни бошқариш, турникда тортилиш, узунликка сакраш, ўқ отиш, 100 метрга югуриш, кросс (3000 м.), граната улоқтириш, тўсиқлар оша югуриш, сузиш каби қатор шартлар бўйича беллашдилар.

Автомобилни бошқариш шартида Бухоро жамоаси вакили Акмал Давроновга тенг келадигани топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса наманганлик икки спортчи – Бахтиёр Ҳамдамов ва Фарҳоджон Набижоновлар банд этишди.

Турникда тортилиш бўйича энг яхши натижани қашқадарёлик Ҳусан Бозоров қайд этиб, ғолиб бўлди. Ундан кейинги ўринларни Навоий жамоаси вакили Хуршид Раҳмонов ҳамда сурхондарёлик Мавлон Рамазоновлар эгаллашди.

Узунликка сакраш бўйича беллашувда пойтахтлик Даниль Елунин ғолибликка сазовор бўлди. Иккинчи ўрин наманганлик Файратжон Оқбоевга, учинчи ўрин эса Сирдарё жамоаси аъзоси Элёр Яхшиликовга насиб этди.

Ўқ отиш баҳсларида Жумабой Алимов (Самарқанд), Жўрабек Жўраев (Сирдарё), Муҳаммадали Умматалиев (Наманган) кучли учликдан ўрин эгаллашди.

100 метрга югуриш баҳсларида Хуршид Бойматов (Тошкент шаҳри), Жўрабек Жўраев (Сирдарё) ва Азизбек Атажонов (Хоразм) лар энг юқори натижаларга эришишди.

Тўсиқлар оша югуришда хоразмлик Мансурбек Сапаев эпчил ва чаққон ҳаракатлари эвазига биринчи бўлган бўлса, қолган ўринларни Жўрабек Жўраев ва Асрор Қодировлар (Фарғона) банд этишди.

Уч минг метрлик кросс ғолиблиги Наманган жамоаси вакили Муҳаммадали Умматалиевга насиб этди. Шунингдек, Акабой Бобоев (Жиззах) ҳамда Файратжон Оқбоевлар (Наманган) кучли учликдан жой олишди.

Граната улоқтиришда энг яхши кўрсаткич Жўрабек Жўраев томонидан қайд этилди. Иккинчи ўринга Хуршид Бойматов, учинчи ўринга эса Ҳамза Султоновлар (Сурхондарё) кўтарилишди.

Сузиш баҳсларида совринли ўринларни Элёр Абдуғаниев (Жиззах), Баҳодир Зотков (Тошкент шаҳри), Даврон Азезов (Қорақалпоғистон Республикаси) лар қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида Наманган жамоаси шоҳсупанинг юқорисидан жой олган бўлса, иккинчи ўрин пойтахтликларга, учинчи ўрин эса сирдарёлик спортчиларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва махсус дипломлар билан тақдирланишди.

Абдуллоҳ СОБИРҚУЛОВ.

ҚАЙДНОМА

ДЗЮДО. Халқаро дзюдо федерацияси ўтаётган йилнинг биринчи ярим йиллик натижалари бўйича жаҳоннинг кучли курашчилари рейтинг таснифини эълон қилди. Унга кўра, шу йил февраль ойида Гамбургда ўтказилган «Катта шлем» туркумига кирувчи навбатдаги мусобақа ғолиби бўлган Пекин Олимпиадасининг бронза медали совриндори ўзбекистонлик Ришод Собиров 392 рейтинг очкоси билан 60 кг. вазн тоифасида жаҳоннинг кучли полвонлари рўйхатида биринчи ўринни эгаллаб турибди.

БОКС. Эртага Львов шаҳрида ўтган йили 57 кг. вазн тоифасида профессионал бокс бўйича WBC йўналишида МДҲ ва Шарқий Европа чемпионлигини қўлга киритган, 2009 йилнинг апрель ойида эса грузиялик Кобой Каркашадзени мағлуб этиб, чемпионлигини ҳимоя қилган ва ўз навбатида WBO йўналишида ҳам чемпион бўлган ҳамюртимиз Шерзод Олимжонов украиналик Виктор Плотниковга қарши рингга чиқади. Бу жанг Европа чемпионлиги учун кечади. Эслатиб ўтамиз, андижонлик боксчимиз шу кунгача профессионал рингда 15 марта жанг қилиб, унинг барчасида ғалаба қозонган, шундан ўнтасида рақибини нокаутга учратиб, ғолиб чиққан. Унинг бу галги рақиби эса шу пайттача 20 марта рингга чиқиб, ҳали мағлубият нималигини билмай келаётир.

ТЕННИС. Буюк Британиянинг Истбурн шаҳрида ўтказилган мукофот жамғармаси 600 минг АҚШ доллари бўлган теннис турнирида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова япониялик Аи Сугияма билан бирга жуфтликлар баҳсида ғолиб чиқди. Улар финалда австралиялик теннисчилар жуфтлигидан 6:4, 6:3 ҳисобида устун келишди.

ФУТБОЛ. Ёшлар терма жамоамиз Германиядаги ўқув-машғулот йиғинини якунлади. Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари сўнгги ўртоқлик учрашувини Франкфурднинг «Спортфренд-04» клубига қарши ўтказди. А. Азизов, Ж. Ҳасанов ва С. Мирзаев томонидан киритилган голлар учрашувда вакилларимизнинг 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишини таъминлади. Эслатиб ўтамиз, бундан олдинги учта ўртоқлик учрашувларида ҳам ёшлар терма жамоамиз йирик ҳисобларда ғалаба қозонган эди.

ШАХМАТ. Пойтахтимизда шахмат бўйича Марказий Осиё мамлакатлари шахматчилари ўртасида жаҳон кубоги баҳсларига бериладиган иккита ва аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатига бериладиган битта йўлланма учун саралаш турнири бўлиб ўтмоқда. Эркаклар турнирида 14 нафар, аёллар турнирида 11 нафар шахматчи қатнашмоқда. Аёллар ўртасидаги баҳсларда ҳозирча терма жамоамиз аъзолари Ҳулкар Тоҳиржонова ва Нодира Нодиржонова пешқадамлик қилаяпти.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Яқинда Хитойда ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақаларнинг биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, XII жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган спортчимиз Светлана Радзивил ўтган ҳафтада яна бир муваффақиятга эришди. У Грециянинг Салоники шаҳрида баландликка сакраш бўйича 191 сантиметр натижа кўрсатиб, нуфузли халқаро мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ. Россияда уч карра олимпия чемпиони Александр Детятин соврини учун халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда қатнашган спортчимиз Эдуард Шалуев гимнастика кўпкураши бўйича халқаро турнирнинг бронза медалини қўлга киритди.

СУЗИШ. Қирғизистон очиқ биринчилигида қатнашган сузувчиларимиз 4 та олтин ва битта кумуш медалга сазовор бўлишди. Ибрагим Назаров ва Владимир Шлемов 400 ва 50 метрга эркин усулда, Артур Куманбаев 200 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича, эркин усулда сузувчи гуруҳимиз 4x100 метрлик эстафетада олтин медалларни қўлга киритишган бўлса, Максим Даниленко 200 метрга комплекс сузиш бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

РЕГБИ. Пойтахтимиздаги «Ёшлик» стадионида Осиё чемпионатининг саралаш учрашувлари бўлиб ўтди. Монголия, Қирғизистон ва Ўзбекистон терма жамоалари навбатдаги босқичга чиқиш йўлланмаси учун ўзаро баҳс олиб боришди. Финалда Ўзбекистон ва Қирғизистон терма жамоалари бир-бирига тўқнаш келди. Учрашувда вакилларимиз 31:12 ҳисобида ғалаба қозонди.

ТЕННИС. Қарши шаҳрида аёллар ўртасидаги ITF таснифига кирувчи халқаро мусобақа якунланди. Совриң жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил этган мазкур халқаро мусобақада 27 давлатнинг 80 нафар теннисчиси қатнашди. Яккалик баҳслари финалида ўзидан кучли саналган украиналик Кристина Антоничукни мағлуб этишга муваффақ бўлган грециялик Эирин Георгатоу турнир ғолибаси бўлди. Жуфтлик баҳсларида эса Кристина Антоничук ва Оксана Калашникова (Грузия) жуфтлиги муваффақият қозонди.

АКРОБАТИКА. Вакилларимиз Россиянинг Краснодар шаҳрида ўтказилган спорт акробатикаси бўйича халқаро турнирнинг иккита бронза медалига сазовор бўлди. Мая Байгудина ва Ҳаким Содиқов жуфтлик баҳсларида, Камила Абдуллаева, Алия Алимқулова ва Албина Ҳакимова қизлар ўртасидаги гуруҳ баҳсларида учинчи ўринни эгаллашди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. XII жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган спортчимиз Л. Андреев Польшанинг Бидгош шаҳрида ўтказилган «Enea Cup» мусобақасида қатнашди. У лангарчўпда баландликка сакраш бўйича 5 метр 56 сантиметр натижа кўрсатиб, халқаро мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди.

ФУТБОЛ. Россиянинг Пицунда шаҳрида ногиронлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпиони сифатида қатнашди ва кутилганидек навбатдаги муваффақиятга эришди. Терма жамоамиз аввалига Киевнинг «Саланг» клубини 4:1, сўнг Россия терма жамоаси негизини ташкил этувчи «Динамо-Алтай» жамоасини 4:3 ҳисобларида мағлубиятга учратди. Қозон ва Гагранинг «Динамо» жамоалари эса осонлик билан мағлуб этилди. Вакилларимиз бу икки жамоа дарвозаларига жами 24 та гол киритишга муваффақ бўлиб, ўз дарвозаларидан бор-йўғи бир марта тўп олиб чиқишди.

МАДАНИЯТ

«Балли, йигитлар – 2009»

«ФАЗО» ВА «ҚАНОТЛИ ШАМШИР» ФИНАЛДА

Ўтган якшанба куни Самарқанд гарнизонининг офицерлар уйи кулги, ҳажв, юмор ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Балли, йигитлар – 2009» танловининг иккинчи босқич беллашуви бўлиб ўтди. Ҳарбий округлар миқёсида ўтказилган биринчи босқич беллашувларида ғолиб чиққан «Марказ шунқорлари», «Қайтмас», «Қанотли шамшир» ва «Фазо» жамоалари финалга бериладиган икки йўлланма учун ўзаро баҳслашишди.

Уч йилдирки мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли «Балли, йигитлар!» танлови Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмлар ва ўқув муассасаларида аскарлар, сержантлар ва курсантларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг дунёқарашларини шакллантириш, маънавий-интеллектуал савияларини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Йилдан-йилга танловда қатнашувчи жамоалар сафи кенгайиб бориши билан бирга улар томонидан тайёрланаётган саҳна чиқишларининг савияси ошиб, оммабоп бўлиб бормоқда. Буни Самарқанд гарнизони офицерлар уйига тўпланган аскарлар, сержантлар ва курсантлар танловнинг иккинчи босқич қатнашчиларини гулдурос қарсаклар билан қарши олганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Айниқса, танловнинг «Сиз биласизми, биз ким?» деб номланувчи биринчи шарти бўйича жамоаларнинг мақол, шеър, қўшиқ, ҳажв ва юморга йўғрилган эркин мавзудаги чиқишларини мухлислар олқишлар билан кутиб олдилар. Ҳайъат аъзолари бу шарт бўйича жамоаларнинг чиқишларини баҳолашда улар танлаган мавзунинг ҳаётийлиги, жамоа аъзоларининг актёрлик маҳорати, чегараланган вақт оралиғида ўзларини қай даражада таништира олганлиги ва бошқа шу каби жиҳатларини инобатга олишди.

Биринчи шарт бўйича кичик сержант Бобомурод Муродов етакчилигидаги «Қанотли шамшир» ва танловнинг Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ босқичида ғолиб чиққан «Фазо» жамоасининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Ҳайъат аъзолари ҳам уларнинг бадиий ҳаваскорлик ижодини юқори баҳолашди.

Жамоа аъзоларининг зукколиги, ҳозиржавоблигини кўрсатувчи танловнинг иккинчи шарти бўйича баҳсларда Марказий ҳарбий округнинг «Марказ шунқорлари» жамоаси энг кўп балл тўплади. «Интеллектуал маҳоратлилик» деб номланган учинчи шарт бўйича баҳсларда эса шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Зиёдулла Мусаев сардорлигидаги «Фазо» жамоаси яна муваффақиятга эришди.

Ҳар бир шарт бўйича баҳслар жараёни томошабинлар томонидан қарсаклар билан олқишлаб турилиши ва тўртта шарт бўйича баҳслар оралиғида жамоалар томонидан тайёрланиб келинган қўшиқ ёки саҳна чиқишларининг намойиш этилиши танловнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Танловнинг «Армия кино саҳифаларида» деб номланган тўртинчи шарти бўйича баҳслар жараёни ҳам томошабинларнинг кулги ва олқишлари остида кечди. Бу шартда жамоаларнинг тўрт нафардан вакили иштирок этди. Улар ўзлари тайёрлаб келган аудио лавҳага аскарлар ва чақирилувчилар ҳаётида учрайдиган кулгули ҳодисалар асосидаги гапларни аралаштириб ишлатиш орқали овоз беришди. Бу борада «Балли, йигитлар!» танловининг ўтган йилги ғолиби «Қанотли шамшир» жамоаси энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлди.

Барча йўналиш бўйича энг кўп балл тўплаган «Фазо» ва «Қанотли шамшир» жамоалари иккинчи босқич ғолиблари бўлди ва танловнинг якуний босқичи – финал баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

ЮМОР, НАХОДЧИВОСТЬ, АРТИСТИЗМ

В Доме офицеров Чирчикского гарнизона завершился очередной этап конкурса «Балли, йигитлар!», ежегодно проходящий среди военнослужащих Министерства обороны.. Конкурсная программа требует от участников конкурса юмора, находчивости, артистизма и, конечно, интеллектуальных способностей. И поэтому команды Ташкентского военного округа готовили свое выступление самым тщательным образом.

На сцену вышли пять лучших команд, которые померялись силами в конкурсах: «Приветствие», «Словообразование», «Устами младенца» и «Дубляж». В первом туре, который являлся домашним заданием, команды рассказали о себе. Представление, как правило, проходило в форме комической интермедии.

Во втором туре членам команд потребовалась скорость и смекалка, чтобы написать максимальное количество слов на заданную тему. Следующий этап «Устами младенца» предполагал наличие креативного мышления у соревнующихся. Военнослужащие должны были отгадать понятия, о которых говорят дети в видеоролике.

И, наконец, в конкурсе «Дубляж» нужно было озвучить отрывки из известных фильмов. Все команды показали в последнем туре прекрасные актерские способности и бездну юмора. В целом конкурс «Балли, йигитлар!» получился динамичным, веселым и оригинальным.

После подведения итогов заместитель командующего войсками Ташкентского военного округа подполковник А. Муинов вручил победителям Почетные грамоты. Первое место заняла команда, возглавляемая рядовым О. Салимовым. Второе и третье места завоевали команды Школы подготовки сержантов и воины-мотострелки одной из частей Ташкентского военного округа.

Соб инф.



ҚУВОНЧЛИ КУН ШУКУҲИ

Орзулари булоқдек соф, нигоҳлар чўғ,
Улар янглиғ илм ташна дунёда йўқ.
Аҳд-ла тутган йўлларидан қўнгиллар тўқ,
Юрт ишончин эгалари ўғил-қизлар.

Мана, яна минглаб фарзандларимиз умумтаълим мактабларини битириб, келажаклари учун муҳим бўлган ҳужжатга эга бўлишди. Уларни истиқболда янги ўқув юртлари кутаяпти. Кимдир коллежга, кимдир лицейга ҳужжат топшириш тараддудида. Ҳарбий хизматчиларнинг ўғил-қизлари таълим олаётган 171-умумтаълим мактабида битирувчиларга шаҳодатнома топшириш тантанаси бўлиб ўтди.

Кўзларидан ўт чақнаб турган битирувчиларнинг айни дамдаги ҳолатини тушунса бўлади. Тўққиз йил таълим олган мактаби, дўст ва устозлари билан хайрлашиш, ҳаётининг янги саҳифаларига қадам қўйиш ўзгача туйғу, ўзгача ҳаяжон бахш этиши табиий ҳол.

Тантанали тадбирда меҳмонлар, ота-оналар иштирок этишди. Биринчи бўлиб сўз олган мактаб директори Наргиза Мелибоева битирувчиларга мактаб жамоаси номидан ўзининг эзгу тилакларини изҳор этди. Уларнинг келажакда муайян касб-ҳунар эгаллаб, мустақил Ватанга муносиб инсонлар бўлиб етишишларига ишонч билдирди. Шундан сўнг битирувчиларга шаҳодатномалар, шунингдек, кўплаб йигит-қизларга ўқиш давомида эришган ютуқлари, жамоатчилик ишларидаги фаолликлари учун диплом, Фахрий ёрлиқ, Ташаккурнома ва Мақтов ёрлиқлари тақдим этилди.

Дастлаб аълочилар – тўрт ўқувчи – Лира Зайнилова, Анна Ким, Кристина Погодаева, Яна Заикалар бирин-кетин даврага таклиф этилдилар. Уларга шаҳодатнома, фахрий ёрлиқлар, шунингдек, Мудофаа вазирлиги номидан диплом топширилди.

– Айни дамда 115 нафар ўқувчимизни коллеж ва лицейларга йўллаяпмиз, – дейди мактаб директори ўз ҳаяжонини яширмай. – Уларнинг аксарияти иқтидорли ўғил-қизлар. Ўқувчиларга йиллар давомида тажрибали ўқитувчилар сабоқ беришди, ўз соҳасининг етук педагоглари – Татьяна Аверкина, Светлана Габбасова, Надежда Краснова, Елена Панчековалар раҳбарлик қилишди. Ҳозирда қайси бир битирувчи билан суҳбатлашманг, келажаги ҳақида юксак ишонч билдириши табиий ҳол. Чунки уларнинг ўзига бўлган ишончи юксак, ҳаракатлари теран. Мен ўқувчиларимизни истиқболда юрт корига елка тутадиган, фидойи инсонлар бўлиб етишишларига ишонаман.

– Жуда ҳаяжондаман. Бу тантанали кун ҳаётимда муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ, – дейди битирувчи Лира Зайнилова. – Энг аввало, устозларимга минг бор ташаккур. Уларнинг умиди, ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Айни дамда олдимга қўйган мақсадим – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ҳузуридаги академик лицейда таҳсил олиш. Бу борада барча дўстларимга омад тилайман.

Қайси бир битирувчи билан суҳбатлашмайлик, гўзал орзуларга йўлдош эканлигини ҳис қилдик.

Тантанали тадбир Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг куй ва қўшиқларига уланди. Биз эса шаҳодатномага эга бўлган, ёруғ манзиллар сари қанот қоқишга шай турган барча битирувчиларга йўлингиз оқ, истиқболингиз порлоқ бўлсин, деймиз.



Умр йўлин довонлари кутар сизни,
Минг бир синов қўлингиздан тутар сизни,
Заҳматларда қадни ростланг, букманг тизни,
Элнинг суюк эркалари ўғил-қизлар.
Она юртнинг ҳар бир гарди сизга мерос,
Аждодларнинг шонли изин айланг эъзоз,
Мардонавор қадам ташланг ўзликка хос,
Ватаннинг бек, бекалари ўғил-қизлар.

Зулфия НОСИРОВА.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: Қуролли Кучлар хизматчилари В. КАЛОШИН, А. ОЧИЛОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 25600.
Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № 1-76-31.

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон ПУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.